

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Кўлёзма ҳуқуқида **УДК:(_____)**

**РАЖАБОВ РУСТАМ САЛИМЖОНОВИЧ
ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ МИНТАҚАЛАР
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ**

Мутахасислик: 5A230102-«Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация Тошкент Молия институти «Иқтисодиёт назарияси»
кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. Ҳ.Ахмедов

Кафедра мудири

и.ф.д., проф Т.Жўраев

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент У.Ортиқов

МУНДАРИЖА

	Кириш.....
I БОБ	ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ-НИНГ МИНТАҚАЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИНИ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....
1.1.	Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти
1.2.	Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш хусусиятлари.....
1.3.	Минтақалар иқтисодий ривожланишига эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг таъсири.....
	Биринчи боб бўйича хулоса.....
II БОБ	МИНТАҚАЛАРДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ.....
2.1.	Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг ҳозирги даражасини қиёсий таҳлили.....
2.2.	Эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланишининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни
2.3.	Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари ва устивор йўналишлари.....
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....
III БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МИНТАҚАЛАРДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....
3.1.	Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини такомиллаштириш орқали минтақалар инвестицион фаъоллигини ошириш имкониятлари.....
3.2.	Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари.....
	Учинчи боб бўйича хулоса.....
	Хулоса ва таклифлар.....
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....
	Иловалар.....

Кириш

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш жараёни бевосита хорижий инвестицияларга боғлиқ. Шу сабаб, сўнги йилларда мамлакатимизга хорижий инвестициялар кўламини кенгайтиришга қаратилинаётган чора-тадбирлар тизимини тобора такомиллаштиришга қаратилинаётган эътиборнинг ортиб бориши бежиз эмас. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида тўхталиб қуйидагиларни эътироф этди: «Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди»¹.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғини ошириш ва минтақаларнинг иқтисодий ривожланишидаги барқарорликни таъминлашда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

минтақалар иқтисодий ривожланишини таъминлашда эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этгани ҳолда мазкур тадқиқот ишнинг долзарблигини ёритишга асос бўлади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг минтақалар иқтисодий ривожланишидаги ўрни тадқиқ этиш мазкур тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади. Минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш-конуниятларини ўрганиш тадқиқот ишининг предметиدير.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг минтақалар иқтисодий ривожланишидаги ўрни такомиллаштириш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш илмий тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти назарий жиҳатдан ўрганиш;
- Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш хусусиятларини тадқиқ этиш;
- Минтақалар иқтисодий ривожланишига эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг таъсирини асослаш;
- Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг ҳозирги даражасини қиёсий таҳлил қилиш;
- Эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланишининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни баҳолаш;
- Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини такомиллаштириш орқали минтақалар инвестицион фаъоллигини ошириш имкониятлари юзасидан илмий асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти назарий жиҳатдан ўрганилди;

- Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш хусусиятларини тадқиқ этилди;
- Минтақалар иқтисодий ривожланишига эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг таъсири асосланди;
- Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг ҳозирги даражасини қиёсий таҳлил қилинди;
- Эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланишининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни баҳоланди;
- Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини такомиллаштириш орқали минтақалар инвестицион фаъоллигини ошириш имкониятлари юзасидан илмий асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг минтақалар иқтисодий ривожланишидаги ўрни ошириш йўллари борасида ишлаб чиқилган тавсиялар ва олинган хулосалар минтақаларни иқтисодий ривожланиши учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Жаҳон иқтисодиётида минтақаларнинг иқтисодий ривожланишига ЭИХлар таъсирини ўрганишнинг ўзига хос илмий-назарий, методологик асослари Президент И.А. Каримовнинг асарларида ҳар томонлама асослаб берилган. Улар хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича давлат сиёсати, усуллари, устувор йуналишлари, мамлакат ҳаётида хорижий инвестицияларнинг сиёсий аҳамияти ва роли масалаларига бағишланган. Хорижлик олимлар Bergesen A., Fernandez R. Роберстон Б., Баклей М., Мартин, МДХ мамлакатлари олимлари Авдокушин Е.Ф., С.А.Рыбаков¹, Н.А.Орлова, Адрианов В.Д.², Данько Т.П., Округ З.М., Зименков Р.И., Друзик Я.С. ва бошқа иқтисодчи олимлар ЭИХларнинг ривожланиш тенденцияларини, уларнинг

¹ Авдокушин Е.Ф., С.А.Рыбаков. Привлечение иностранных инвестиций в условиях приватизации. –М.: ГУВШЕ.,2000 г

² Н.А.Орлова, Адрианов В.Д. Региональная экономика России. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2006 г

инвестицион муҳитини ўрганишда ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшганлар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ғуломов С.С., Хикматов О.Х., Бекмурадов А.Ш., Алимов А.А., Махмудов Э.Х., Назарова Г.Г., Холиқулов А.Р¹., Расулев А.Ф². ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида мазкур муаммонинг айрим томонлари таҳлил этилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқотни амалга оширишда абстракт - мантикий фикрлаш, анализ ва синтез, тизимли ёндашув, қиёсий, иқтисодий таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар, мамлакатимиз минтақаларини иқтисодий ривожланишига самарали асос яратади.

Тадқиқот натижаларидан тегишли фан дастурларини такомиллаштиришда ҳамда олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертация натижаларидан Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият саарадорлигини ошириш юзасидан шакллантириладиган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий матни жами 81 бетда баён этилган.

¹ Назарова Г.Г., Холиқулов А.Р. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иктисодиёт, 2009.

² Расулев А.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. –Т.:Konsauditinform-Nashr. 2006.

I БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ МИНТАҚАЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИНИ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти

Фан техника тараққиёти таъсирида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувининг чуқурлашиб бориши XX асрнинг сўнгги чорагида жаҳон хўжалик тизимининг ривожланишида глобаллашув ва халқаро интеграция жараёнларининг жадаллашувига олиб келди. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозорига боғлиқлиги кучайди ва ташки иқтисодий фаолият иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг асосий шартларидан бирига айланди. Мана шундай шароитда ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий салоҳияти ва нисбий афзалликларига таяниб экспорт салоҳиятини ошириб боришга ва шу орқали жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ва муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилади. Жаҳон хўжалик тизими ривожланишидаги бундай янги тенденциялар халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шакллари вужудга келишига ва тараққий топишига олиб келди.

XXI аср бошларида, эркин иқтисодий ҳудудлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисми сифатида жаҳон хўжалигида муҳим ўрин тутди. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг жаҳон хўжалик тизимида тутган ўрни, энг аввало, шу билан белгиланадики, улар халқаро товар алмашинувини фаоллаштириш, инвестицияларни сафарбар этиш, иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш эвазига жадал иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг вужудга келиши 1973 йилда имзоланган Киото конвенцияси билан боғлиқ бўлиб, ушбу конвенцияга мувофиқ бундай ҳудудлар ташқи савдонинг махсус шакли сифатида тан олинди. Бу ҳудуддаги товарлар божхона ҳудудидан ташқарида деб тан олинади. Киото конвенциясидан сўнг эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида

кенг ривожланди. XX асрнинг 90-йиллари охирларида жаҳон бўйича бир неча мингдан зиёдроқ турли кўринишдаги эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият кўрсатди. Мутахассислар фикрига кўра, 2000 йилда жаҳон товар айланмасининг 30 фоиздан зиёдроғи мазкур ҳудудлар ҳиссасига тўғри келди. Халқаро корпорациялар ўз фаолияти учун имтиёзли шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида эркин иқтисодий ҳудудларга энг юқори фойдани олишга эришишни кафолатловчи қулай ҳудуд сифатида қарайдилар. Йирик трансмиллий компаниялар эркин иқтисодий ҳудудларда ўз ишлаб чиқариш турларини ташкил этилиши ўзларининг муҳим стратегик вазифаси деб ҳисоблайдилар.

Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий иқтисодий ҳудуднинг бир қисми бўлиб, у ерда мамлакатнинг бошқа қисмларида фойдаланилмайдиган махсус имтиёзлар ва енгилликлар тизими амал қилади. Одатда кўп ҳолларда эркин иқтисодий ҳудудлар у ёки бу даражада алоҳидалашган ҳудуд сифатида намоён бўлади.

Илмий нашрларда ва халқаро иқтисодий ташкилотлар дисоботларда турли хил имтиёзлар ва енгилликлар тақдим этилган ҳудудларни тавсифлашда «эркин иқтисодий ҳудуд» атамасидан фойдаланилади. Кўплаб мамлакатларда қўлланиладиган махсус иқтисодий қоидалар, дастаклар, махсус маъмурий қонунлар ушбу ҳудудларни муайян ҳуқуқий ва ҳўжалик тартибидан озод қилмайди, балки, уни енгиллаштиради, тадбиркорликни рағбатлантирувчи имтиёзларни тақдим этади.

Ҳақиқатда давлат мазкур ҳудудларда ўзининг тартибга солиш вазифаларини бирмунча қисқартиради. Бундай ҳудудлар учун кўпроқ «махсус иқтисодий ҳудудлар» атамаси кўпроқ мос келади.

Эркин иқтисодий ҳудудларда миллий ва хорижий тадбиркорлар учун алоҳида имтиёзли иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, улар ташқи савдо, умумиқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва илмий-технологик вазифаларни ечишга ёрдам беради.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг мақсади-ушбу ҳудудларни ташкил этаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш

даражасига, уларнинг иқтисодий стратегиялари ва устувор йўналишларига боғлиқ. Шу сабабли бундай ҳудудларни ташкил этиш мақсадлари ва сабаблари ҳар бир аниқ вазиятда бир-биридан фарқ қилиши мумкин ва улар ҳақиқатда бир-бирларидан фарқ қилади.

Чунончи, АҚШ, Франция, Буюк Британия каби саноати ривожланган мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудлар ташқи иқтисодий фаолиятини фаоллаштириш, депрессив районларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган минтақавий сиёсатни амалга ошириш, минтақавий тафовутларга барҳам бериш учун ташкил этилган. Бундай районларга тадбиркорлар учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан, кенгроқ иқтисодий ҳуқуқлар ва молиявий ресурслар тақдим этилади.

Шунга ўхшаш мақсадда қатор ривожланаётган мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилган бўлиб, мазкур мамлакатларда ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, асосий эътибор хорижий инвестицияларни, илғор технологияларни жалб этишга, саноатни модернизациялашга, ишчи кучининг малака даражасини оширишга қаратилади.

Умумий кўринишда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш мақсади кенг кўламли бўлиб, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- илғор технологияларни (миллий технологияга нисбатан) жалб этиш;
- хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали иқтисодиётни фаоллаштириш;
- валюта тушумларига эга бўлиш ва шу орқали валюта захираларини ошириш;
- ички истеъмол бозорини тўйинтириш;
- аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш;
- иқтисодиётни бошқариш, халқаро тадбиркорлик, замонавий бозор иқтисодиёти соҳасида жаҳон тажрибасини ўзлаштириш;
- бозор инфратузилмаси муассасаларини ривожлантириш;

- «депрессив районлар» нинг жадал ривожлантириш ва бошқалар.

Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий капитални жалб этишнинг иқтисодий механизми турли-туман бўлиб, уларнинг устунликлари қуйидагилардан иборат:

- ускуналар, хом ашё ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ташкил этувчилари импортини божхона божларидан тўла ёки қисман озод этиш;
- фойдага солинаётган солиқларга имтиёзлар жорий этиш;
- даромад солиғидан тўла ёки қисман озод қилиш;
- экспорт имтиёзларини жорий этиш ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан олиб келинадиган ускуналар, хом ашё ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ташкил этувчиларини рағбатлантириш;
- экспортга имтиёзли шарт-шароитлар жорий этиш;
- маҳаллий солиқлардан озод қилиш;
- хорижий инвестицияларнинг барча шаклларига рухсат бериш;
- экспорт ва импортни имтиёзли лицензиялаш;
- фойдани эркин ўзлаштиришга имконият яратиш;
- эркин иқтисодий ҳудудда миллий валютанинг қисман ёки тўлиқ эркин алмашувини таъминлайдиган алоҳида валюта режимини жорий этиш;
- коммунал хизмат, транспорт тарифлари учун пасайтирилган ижара тўловларини тақдим этиш;
- жадаллаштирилган амортизацияни жорий этиш;
- замонавий бозор инфратузилмасини ҳамда хизматлар тармоқларини барпо этиш;
- хорижий ва аралаш корхоналарга давлат кафолатлари ва имтиёзларини тақдим этиш ва бошқалар.

Эркин иқтисодий ҳудудлар уларни таъсис этувчилар учун очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг муҳим халқаси ҳисобланади. Уларнинг фаолият кўрсатиши ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва фаоллаштириш жараёнлари' билан боғлиқ. Эркин иқтисодий ҳудудларда

иқтисодиётнинг даражаси юқори бўлиб, божхона, солиқ ва инвестиция учун шароитлари ички ва ташқи инвестициялар учун қулай ҳисобланади.

XX асрнинг сўнгги ўн йилида давлатлар ўртасида бошқа мамлакатлардан хорижий инвестицияларни жалб этиш учун солиқ ва бошқа имтиёзлар соҳасида кескин рақобат авж олмоқда. Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий ҳудудларни барпо этишнинг икки йўли мавжуд.

Биринчи йўналишида ҳудудий ёндашиш, яъни эркин иқтисодий ҳудудларга аниқ, конкрет ҳудуд деб қаралиб, бу ҳудудда зарурий имтиёзли тартиб ўрнатилади.

Иккинчи ёндашиш эса режали, яъни эркин иқтисодий ҳудудларга комплекс (мажмуали) корхона деб қаралади ҳамда унга аниқ шароитлар ва устунликлар берилади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишда қуйидаги шароитлар бўлиши зарур:

- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилаётган мамлакатларда ва минтақаларда сиёсий барқарорлик;
- эркин иқтисодий ҳудудлар ҳуқуқини белгилаб берувчи барқарор қонуний асос;
- эркин иқтисодий ҳудудлар табиий-географик шароитларининг қулай бўлиши, агроиқлимий ресурсларнинг мавжуд бўлиши, қўшни иқтисодий ҳудудларнинг у билан боғлиқ бўлиши, транспорт магистралларига яқин бўлиши;
- алоқа, транспорт, ижтимоий шароитлар, энергетиканинг яхши ривожланган инфратузилмаси;
- эркин иқтисодий ҳудудларга хизмат кўрсатадиган ривожланган тижорат инфратузилмаси (банклар, консалтинг ва юридик фирмалар, аудиторлик ташкилотлари транспорт хизматлари);
- эркин иқтисодий ҳудудлар маъмурий бошқарувида самарали тузилманинг мавжудлиги.

Эркин иқтисодий ҳудудлар капитал ҳаракатланишининг имтиёзли шароитларини таъминлашга, хорижий инвестицияларнинг ўсишига, мамлакатнинг айрим иқтисодий минтақаларига ишлаб чиқариш омиллари (сармоя, ишлаб чиқариш асосий воситалари, юқори малакали бошқарув аппарата) оқимининг кучайишига олиб келади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий иқтисодиёт учун қуйидаги афзалликларни келтириб чиқаради:

- маҳаллий табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- янги техника ва технологияларнинг кириб келишини таъминлаш;
- экспортга йўналтирилган товар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- миллий ва минтақавий иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш;
- аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали ишсизлик даражасини пасайтириш;
- аҳоли фаровонлигини ўстиришга, даромадлар миқдорини ошириш, юқори сифатли товарлар билан минтақавий бозорларни тўлдириш;
- халқаро кредитлар учун қулай шароитлар яратиш, молиялаштиришнинг янги манбаларини излаб топиш;
- юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун янги имкониятларни яратиш.

Айни вақтда эркин иқтисодий ҳудудлар ушбу ҳудудга инвестициялар киритаётган сармоядорлар учун ҳам фойдали бўлиб, бу энг аввало қуйидагиларда ўз аксини топади:

- сармоядорлар ушбу ҳудудда жорий этилган имтиёзли солиқлар туфайли ўз фойдаларини максималлаштириш имкониятига эга бўладилар;
- эркин иқтисодий ҳудудларда ускуналар, хом ашё ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ташкил этувчилари импортнинг божхона божларидан тўла ёки қисман озод этилиши кам харажатлар эвазига ускуналарни олиб кириш ва ўрнатиш имкониятини беради;
- экспортга имтиёзли шарт-шароитлар жорий этилиши туфайли экспорт маҳсулотларининг таннархини пасайтиришга имконият пайдо бўлади;

- эркин иқтисодий ҳудудларда хорижий инвестицияларнинг барча шаклларида фойдаланиш имконияти вужудга келади;
- хорижий сармоядорларда эркин иқтисодий ҳудудлардан олинган фойдани эркин ўзлаштириш имконияти яратилади;
- эркин иқтисодий ҳудудларда миллий валютанинг қисман ёки тўлиқ эркин алмашувини таъминлаш валюта опрецияларини эркин амалга оширишга шарт-шароит яратади;
- эркин иқтисодий ҳудудлардаги арзон ишчи кучи туфайли ўз маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга эришадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда давлат ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу, энг аввало, эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини барпо этиш зарурияти билан асосланади.

Кўплаб мамлакатларда, хусусан, Хитой, Гонконг, Тайвань, Ирландияда мазкур масала конституцион даражада ҳал этилган бўлиб, ушбу мамлакатлар конституциясининг айрим моддаларида эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш масаласи қайд этилган. Шунингдек, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида қонунлар қабул қилинган. Чунончи Ўзбекистонда ҳам «Эркин иқтисодий зоналар тўғриси» да қонун қабул қилинган бўлиб, унда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил ютиш тамойиллари, усуллари, эркин иқтисодий ҳудудларга сармоя киритаётган хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган.

Бошқача қилиб айтганда, республикамизда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, эркин иқтисодий ҳудудлар очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этишнинг муҳим омили бўлиб, ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш миллий иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг самарадорлигини оширишда, ижтимоий

масалаларни, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик муаммосини юмшатиш, аҳоли даромадларини муттасил ошириб бориш, иқтисодиётга янги техника ва илғор технологияларни жалб этиш, замонавий бошқарув ва менеджмент тамойилларидан фойдаланиш имконини беради.


1.2. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш хусусиятлари

Эркин иқтисодий ҳудудлар хўжалик юритишнинг янги шаклларида бири бўлиб, халқаро майдонда 1950-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларида пайдо бўлди ва 1970-йилнинг ўрталарига келиб жаҳон майдонида кенг оммалаша бошлади. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратилиши уларнинг ташкилотчилари томонидан очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг муҳим бўғини сифатида қаралади. Уларнинг фаолияти ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва тезлаштириш билан боғланади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар иқтисодиётни ташқи оламга юқори даражада очикликка, божхона, солиқ ва инвестиция режимлари ички ва ташқи инвестициялар учун қулайликка эга. Бир томондан эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон миқёсида ҳаракатланувчи капиталлар учун ўзига хос «қопқон» ҳисобланади. Бундай ҳудудлар дастлаб саноат ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлар – Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия ва Буюк Британияда, кейинчалик эса Польша, Венгрия ва Болгария каби мамлакатларда ташкил этилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, эркин иқтисодий ҳудудлар даставвал дарё ва денгиз портларида, халқаро тайёрагоҳларда, темир ва автомобиль йўлларига яқин жойларда, сайёҳлик ва алоҳида олинган саноат марказларида ташкил этилган. Чунки товар моддий бойликларни чет эл бозорларига олиб чиқишда ва чет эл инвестициясини иқтисодиётга жалб этишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг роли муҳим аҳамиятга эгадир.

Ғарбнинг саноати ривожланган мамлакатларида ЭИҲлар сони 500 тадан ортади. Уларнинг тахминан 100 таси Ғарбий Европада жойлашган. Энг

кўп ҳудудлар хусусан, Швейцарияда 26та, Испанияда 22та, Италияда 11та, Францияда 10та, Финляндияда 7та, ГФРда 6та ЭИХлар фаолият юритади (2-расм). Бу ҳудудларда товарларни ортиш, тушуриш, кўчириш, сақлаш, саралаш, тамғалаш ва сотиш амалга оширилади, товарлар кўргазмалари ва савдолар ташкиллаштирилади, кемалар таъмирланади, суғурта ва банк хизматлари кўрсатилади. Уларнинг ҳудудида алоҳида имтиёзли режим асосан, бож тўловларини, ҳудуд территориясида товарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган қўшимча қиймат солиғини бекор қилиш йўли билан яратилади.



1-диаграмма. Ғарбий Европадаги ЭИХларнинг мамлакатлар бўйича тақсимланиши¹

Уларнинг кўпчилиги транзит юклар билан ортиш тушириш ишларини бажариш учун денгиз портларидаги эркин савдо ҳудудларидан иборат. Улар жумласига ГФР нинг олти Гамбург, Киль, Эмден, Куксхафен, Бремерхафен ва Бремен “эркин портларини киритиш мумкин. Гамбургдаги “эркин гаван” шунингдек кемасозликка, кема таъмирлашга, нефтни қайта ишлашга ихтисослашган, унда 60 мингдан ортиқ ишчи ишлайди. Буюк Британия учун-тадбиркорлик ҳудудлари, Швейцария учун - суғурта ва банк ҳудудлари характерли. Минтақанинг айрим мамлакатларида шунингдек илмий татбиқ

¹ И.А.Радионова, Т.М.Бунакова “Экономическая география” 2014.

этиш ҳудудлари ва экспорт-саноат ҳудудлари (Шеннон аэропорти билан боғлиқ ирланд ихтироси) фаолият юритмоқда.

Энг қадимги ЭИХлар бўлиб, Германиядаги Гамбург ва Бремен ЭИХлари ҳисобланади. Улар ўтган асрнинг охирида божхона иттифоқига кирган эди. Кейинчалик, бу 100 йилликда Киль, Куксхафен ва бошқа шаҳарларда ЭИХлар пайдо бўла бошлади. Бу ЭИХларнинг айнан шу ерда ташкил этилгани бежиз эмас. Гамбург – бу шимолий денгиздан 100 км узоқликдаги Элба кўлида жойлашган энг катта денгиз ва кўл портлари ер-шаҳри. У ерда халқаро аэропорт, урли хилдаги саноат тармоқлари мавжуд.

Гамбург эркин савдо ҳудудлари кўплаб олти – саккиз каватлик омборлар (уларнинг маҳсулот сақладиган майдони 600 минг м² ни ташкил этади), мевалар ва сабзавотлар учун омборхоналар, нефт ва нефт маҳсулотлари учун омборхоналардан ташкил топган¹.

“Гамбург” ЭИХ бошқаруви бошқа ЭИХлар бошқарувидан фарқ қилади. Унинг асосий фарқи, Эркин савдо ҳудудини бошқарувчи, эркин порт маъмурияти (Гамбург ерлари бошқарув структурасини таркибига киради), божхона божларидан ташқари божхона функцияларини бажариш ҳуқуқига эга. Аксарият омборхоналар жисмоний шахслар ва фирмалар томонидан мустақил равишда эксплуатация қилинади, лекин янги маҳсулот сақлаш объектларини қуруш учун эса, ҳудуднинг бошқарув органи билан келишлари зарур. Транзит омборхоналарнинг кўп қисмига эга бўлган маҳсус иншоотлар корхонаси маҳаллий ҳокимиятнинг структурасига киради.

Бундан ташқари Ғарбий Европада илмий техник парклар кенг тарқалган. Масалан, Нидерландия ва ГФРда уларнинг сони мос равишда 45 ва 50тага етади. Буюк Британияда уларнинг сони 25тани, ушбу ҳудудлардаги ишчилар сони эса 20 мингтадан ортиқни ташкил этади.

Илмий-техникавий қўллаб-қувватлаш ҳудудлари фавқулодда ёки давлат кўмагида йирик илмий марказлар доирасида маҳсус ташкил этилади.

¹ Данко Т.П., Окрут З.М. “Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве”, учебное пособие, М. ИНФРА-М. 2000-168 с.

Уларда миллий ва хорижий тадқиқотлар олиб бориш, лойиҳалаш, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари жамланади ва ягона солиқ ва молиявий имтиёзлар тизимидан фойдаланади. Илмий-техникавий қўллаб-қувватлаш ҳудудлари АҚШ, Япония, Хитой мамлакатларида кенг тарқалган. Улар АҚШда - технопарк, Японияда - технополис, Хитойда – янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари деб аталади. Жаҳонда энг машҳур ва АҚШдаги энг йирик бўлган технопарк «Силикон Велли» ҳисоблаш техникаси ва компьютер ускуналари ишлаб чиқаришнинг 20 фоизига эга. Унда 20 000 атрофида ишчилар иш билан таъминланган. АҚШда 80 дан ортиқ бундай ҳудудлар мавжуд.

Японияда махсус ҳукумат дастурлари доирасида йигирмадан ортиқ технополислар етакчи илмий ташкилотлар базасида яратилган. Хитойда ҳам бундай ҳудудлар фан ва техникани ривожлантириш бўйича давлат режаларини амалга ошириш мобайнида яратилган. 90-йилларнинг ўрталарига келиб Хитойда 50 дан зиёд янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари фаолият олиб борарди. Осиё «янги индустриал мамлакатлари»да илмий техникани қўллаб қувватлаш ҳудудлари мавжуд экспорт саноати ҳудудларида инновация марказлари сифатида шаклланган, зеро улар бу экспорт саноати ҳудудларини илмий-техника улуши юқори маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаштиришга хизмат қилган.

Ҳозирда дунё мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудларнинг турлари ва кўринишлари турличадир ва улар дунё минқалари бўйича нотекис жойлашган. Ҳозирда энг кўп эркин иқтисодий ҳудудлар Шимолий Америка минтақасига тўғри келади. АҚШ да ЭИХларнинг умумий сони 366 тага тенг. Улар орасида эркин тадбиркорлик ва илмий татбиқ этиш ҳудудлари энг кўп тарқалган. Япония учун ҳам шундай ҳудудлар характерлидир.

АҚШда ҳозирги вақтда ЭИХларнинг 3та асосий тури - ташқи савдо ҳудудлари, тадбиркорлик ҳудудлари ва технологик парклар фаолият кўрсатади. Эркин савдо ҳудудлари миллий ҳудуднинг чекланган қисмлари

бўлиб, уларда хўжалик, шу жумладан ташқи савдо фаолиятининг имтиёзли режими ўрнатилади.

Замонавий ташқи савдо ҳудудлари кўплаб хизмат турларини кўрсатиш: олиб кириладиган товарларни омборга ташлаш, саралаш ва қадоқлаш, шунингдек, уни тўлиқ қайта ишлаш, маҳаллий ёки хорижий бутловчилардан айрим маҳсулот турларини йиғиш ва ҳатто ҳудудга келиб тушаётган ёки унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар негизида айрим ишлаб чиқариш турларини ташкил қилиш билан шуғулланади.



2-диаграмма. Эркин иқтисодий ҳудудларни дунё минтақалари бўйича тақсимланиши¹

Эркин савдо ҳудудларини яратиш учун қулай географик жойлашув ва ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги хал қилувчи аҳамиятга эга. Шу сабабли улар кўпинча портларда, аэропортларда ёки уларнинг яқинида ташкил этилади.

Юридик мақом бўйича тадбиркорлик ҳудудлари АҚШда федерал, штат ва маҳаллий ҳудудларга бўлинади. Ҳамда тегишли даражада ҳукумат органлари томонидан ташкил этилади.

¹ Special Economic Zones: Global Experience and Best Practices. 2014

Худудларда фаолият юритаётган Америка компанияларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бандликни ошириш мақсадларида турли имтиёзлар берилади. Федерал даражада - қурилиш ва таъмирлаш ишларида тўланадиган солиқлардан 5% ли чегирма, ҳар бир қўшимча ишга олинган ишчига солиқ чегирмалари, капитал қийматини оширишга солинадиган солиқни бекор қилиш. Турли штатлар даражаларида - корхона даромад солиғини 50% камайтириш (Коннектикут штати), асбоб-ускуналарни сотишдан олинадиган солиқдан озод қилиш (Луизиана штати), қурилиш материалларини сотиш солиғидан озод қилиш (Канзас штати), асосий капитал солиғидан озод қилиш (Вирджиния штати). Барча солиқ имтиёзларнинг 70% ни тадбиркорлик ҳудудида янги иш ўринларини ташкил қилганлар оладилар.

Тадбиркорларга иқтисодий рағбатлардан ташқари қатор бошқа имтиёзлар ҳам қўлланади. Хусусан, ҳужжатлар юритишнинг соддалаштирилган тартиби, атроф-муҳит муҳофазаси ва хавфсизлик меъёрлари бўйича стандартлар талабларини пасайтириш.

Технопарклар (техник татбиқ этиш ҳудудлари) фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг янги самарали шакли, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва янги технологияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи венчур корхоналарни ташкил қилиш жойи сифатида эътибор қозонди. Эркин савдо ва тадбиркорлик ҳудудларидан фарқли равишда уларни ташкил қилиш учун ҳукуматдан руҳсат олиш шарт эмас.

АҚШда 2 турдаги технопарклар мавжуд:

1. алоҳида шахслар ёки хусусий ташкилотлар ташаббуси билан ўз-ўзидан ташкил этилган;
2. алоҳида штатларнинг кўргазмаларига биноан ташкил этилган ҳудудлар.

Иккинчи турдаги технопарклар ҳозир ҳам яратилмоқда, бироқ энг машҳур ва самарали фаолият кўрсатаётган парклар биринчи турга мансуб. Улар орасида Санта-Клара шаҳрида (Калифорния) Станфорд университетига

яқин жойлашган “Силикон водийси”; Массачусетс технологик институти ва Гарвард университети яқинида жойлашган “128 Бостон маршрути”; учта университет - Дюк университети, Шимолий Каролина университети ва Шимолий Каролина штати университети жойлашган ҳудуд марказида ташкил этилган Шимолий Каролинадаги учбурчак парк мавжуд. Бу учта парк нафақат АҚШнинг бошқа минтақаларида, балки хорижда ҳам шундай марказларни ташкил қилиш учун намунага айланди.

Барча технопарклар мақсадли вазифани бажариш билан боғлиқ қуйидаги хусусиятга эга: янги турдаги маҳсулотларни ёки янги технологияларни ишлаб чиқаётган венчур компанияларга, алоҳида иштирокчиларга ва олимларга имтиёзли асода ёрдам бериш. Бу ёрдам ўз ичига ишлаб чиқариш ва идора хоналарини, лаборатория ускуналарини ижарага беришни, маслаҳат хизматларини кўрсатишни, якка тартибдаги ихтироларни технологик экспертизасини амалга оширишни, ташкил этилаётган компанияларнинг бизнес режасини тузиш, Кичик бизнес бўйича маъмуриятдан қарз олишга ёрдамлашишни олади.

Японияда илмий техник ҳудудларни яратиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Уларни мамлакатда 80 йиларда Япония ташқи савдо ва саноат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Технополис” дастури бўйича ташкил этиш бошланди. Ушбу дастурга мувофиқ мамлакатнинг айрим иқтисодий жиҳатдан қолоқ минтақаларида 20га яқин илмий техник ҳудудларни ташкил қилиш кўзда тутилган. Улар технополислар деб номланган бўлиб, шаҳар ва унга ёндош ҳудуд сифатида талқин қилинар эди. Бу ҳудудда саноатнинг юқори технологиялари тармоқлари, илмий муассалар, технополис учун илмий ва муҳандис кадрлари тайёрлаб берувчи олий ўқув юртлари, замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмага эга яшаш бинолари ўзаро уйғунликда жойлаштирилган. “Технополис” дастури Япония ҳукумати томонидан мамлакатнинг ХХІ асрга боқиб имкониятини берувчи концепция ва мамлакат илмий-техник салоҳиятини тезкор ривожлантиришнинг энг самарали стратегиясидан бири сифатида қаралди. У мамлакатнинг дунё

бозорларида рақобатбардошлик мавқесига кўмак берувчи омил эканлиги кўзда тутилади. Унда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- саноатни марказдан чекка минтакаларга кўчириш;
- саноатни илм талаб ва энергия тежамкор технологиялар томон йўналтириш;
- маҳаллий университетлар фаолиятини кучайтириш ҳисобига бутун мамлакат ҳудудида илмий тадқиқотларни жадаллаштириш ва бошқалар.

Дастур “юмшоқ инфратузилма”га, яъни илмий муассасалар тармоғини, ахборот алмашув воситаларини ва кадрлар тайёрлашни ривожлантиришга таянар эди, чунки технополис мақомини олиш шартларига шаҳарда университетнинг мавжудлиги, юқори транспорт қулайлиги, ривожланган инфратузилма каби талаблар киритилади. Барча ЭИХлар каби Япониядаги технополислар уларда давлат ва муниципал органларнинг, шунингдек йирик хусусий капиталнинг иштирокини назарда тутди. Ушбу мақсадда уларнинг ҳудудида кредит ва солиқни рағбатлантириш каби турли чоралар кўзда тутилади. Масалан, “юқори технологиялар” тармоғига мансуб фирмаларга биринчи йилда асбоб ускуналар қийматининг 30%ни ва бинолар ва иншоотлар қийматининг 15%ни ҳисобдан чиқаришга рухсат берилади, давлат префектура лабораториялари ва кичик фирмалар томонидан қўшма тадқиқотлар ўтказиш бўйича харажатларнинг учдан бир қисмини тўлайди. Шу ва бошқа молиявий имтиёзлар ЭИХларга кўплаб капитал оқимини кўпайтиришга, ушбу ҳудудни ривожлантиришга ёрдам беради.

Демак, ривожланган мамлакатлардаги ЭИХларнинг ривожланиши, бу мамлакатларда экспорт саноат ҳудудлари кўп тарқалганидир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, экспорт саноат ҳудудларини ташкил этиш бир қатор иқтисодий сабаблар, энг аввало экспортга йўналтирилган саноат товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакатга хорижий инвестициялар, илғор техника ва технология, замонавий техник ахборотларни жалб қилишга бўлган эҳтиёжлар билан белгиланади. Эркин иқтисо-

дий ҳудудларда махсус хўжалик режими хорижий тадбиркорлар учун янада очикроқ ва имтиёзлироқ бўлиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби эркин иқтисодий ҳудудлар ўртасида рақобатнинг кучайиши бўлиб, ҳар бир ҳудуд ўзининг бошқа ҳудудларга нисбатан қулайроқ эканлигини исботлашга ҳаракат қилмоқда.

1.3. Минтақалар иқтисодий ривожланишига эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг таъсири

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этилиши ҳудудий-хўжалик бошқарувининг энг самарали моделларидан бири ҳисобланиб, улар мамлакатнинг алоҳида олинган минтақаларида инвестициялар ва илғор тажрибаларга кенг имконият очиб бермоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил қилиниши маълум даражада давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтиради, лекин иккинчи томондан, уларнинг ташкил қилиниши мамлакат иқтисодиётига инвестицияларнинг кириб келишига маълум шарт-шароитлар яратиш орқали йўл очиб беради. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил қилиниши минтақа иқтисодий субъектлари ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатларни йўлга қўяди ва ривожлантиради, бозор иқтисодиётига қараб бораётган ҳар бир иқтисодиёт субъектининг мобил ҳаракатчанлиги таъминланади.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд бўлиб, улардан бири эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш орқали жалб қилишдир (1-расм).



1-расм. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари¹

Эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатнинг бошқа қисмларида ишлатилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришларнинг ўзига хос тизими қўлланиладиган миллий иқтисодий ҳудуднинг бир қисми ҳисобланади.

Одатда эркин иқтисодий ҳудудлар географик жиҳатдан маълум даражада алоҳида ҳудуддир. Эркин иқтисодий ҳудудларга уларни ташкил қилувчилар томонидан очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишдаги муҳим босқич сифатида қаралади. Уларнинг ишлаши ташқи иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш ва эркинлаштириш билан боғлиқ.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг божхона, солиқ ва инвестицион режими эса ташқи ва ички инвестициялар учун қулай ҳисобланади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг мамлакат ичидаги иқтисодий жараёнларни фаол-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: 2011.

лаштиришда фойдаланиш учун хорижий капитални жалб қилишдан ташқари, қуйидаги яна уч вазифасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари экспортини рағбатлантириш ва шу орқали валюта маблағларини жалб қилиш;
- минтақа аҳолисининг иш билан бандлик даражасини ошириш;
- минтақаларда хўжалик юритишнинг янги усуллари синаш асносида миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий тармоқларини кенгайтириш.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш ва улар фаолиятининг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жаҳон бозори билан интеграцияни чуқурлаштириш, халқаро иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида тузилган ҳудудлар (эркин савдо ҳудуди, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарилиши) билан бирга маълум бир фаолият шакли ва ишлаб чиқариш соҳасини рағбатлантириш учун ташкил қилинган алоҳида тартибли махсус минтақалар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, қолоқ туманларни ривожлантиришни, саноатлаштиришни рағбатлантирувчи махсус ҳудуд. Шу боис, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг сабаблари ва мақсадлари ҳар бир ҳолатда ўзгача бўлиб, бир-бирига ўхшамаслиги мумкин. Жумладан, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия каби иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудлар қолоқликка учраган туманларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун ташкил қилинган. Ушбу мақсадда бизнесменларга мамлакатнинг бошқа минтақаларига нисбатан кўпроқ фаолият эркинлиги ва кенг миқёсда молиявий имтиёзлар берилади. Бундай дастурларнинг асосий мақсади эса хорижий капитални жалб қилишга қаратилмайди.

Турли эркин иқтисодий ҳудудларда имтиёз ва рағбатлантиришлар тизими алоҳида жиҳатлари билан фарқ қилиши мумкин, бунда имтиёзлар тўртта асосий гуруҳга ажратилади:

- **ташқи савдо имтиёзлари.** Бу имтиёзлар алоҳида божхона-тариф режимини киритиш (экспорт-импорт божлари даражасини камайтириш ёки бекор қилиш) ва ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш ва енгиллаштиришда намоён бўлади;
- **солиқ имтиёзлари.** Бунда фаолиятнинг маълум кўринишлари рағбатлантирилиб, бу имтиёзлар орқали солиқ базаси (даромад, мулк қиймати ва ҳоказо), унинг таркибий қисмлари (амортизация ажратмалари, иш ҳақи харажати, транспорт) ва солиқ ставкалари даражаси пасайтирилади, шунингдек солиққа тортишдан бутунлай ва вақтинча озод қилинади;
- **молиявий имтиёзлар.** Мазкур имтиёзлар турли кўринишдаги субсидияларни ўз ичига олади, масалан, коммунал хизматларни таннархидан арзон нархларда кўрсатиш, ер майдонлари ҳамда ишлаб чиқариш бинолари ва қурилмаларини имтиёзли нархларда ижарага бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш;
- **маъмурий имтиёзлар.** Хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказишда, хорижий фуқароларнинг мамлакат ҳудудига кириб-чиқишида енгилликлар бериш ва бошқа имтиёзлар.

Шундай қилиб, эркин иқтисодий ҳудудларда алоҳида божхона, валюта, солиқ тартиботи, шунингдек фуқаролар кириши, чиқиши ва бу ерда бўлишининг, меҳнат муносабатлари, молия-кредит фаолиятининг алоҳида тартиботи ҳамда инвестицияларни жалб этишга, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бошқача тартибот ўрнатилади.

Шу ўринда эркин иқтисодий ҳудудларда ҳуқуқий тартиботнинг ўзига хос жиҳатларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Алоҳида божхона тартиботи товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш учун давлат божларини бекор қилиш ёки унинг даражасини камайтиришни кўзда тутиши мумкин. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи

хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт ва импорт операциялари бўйича тарифларга боғлиқ бўлмаган чеклашларни бекор қилиш ёки уларни енгиллаштириш, товарларни белгиланган тартибда мажбурий декларация қилган ҳолда эркин иқтисодий ҳудуднинг божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутиши мумкин.

Алоҳида валюта тартиботи миллий ва чет эл валюталарини эркин муомалада бўлиши ҳамда айирбошланишини назарда тутати, яъни мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган валюта операциялари соҳасида чекланишлар бекор қилинади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар хўжалик фаолиятининг қатнашчилари – юридик ва жисмоний шахслар – махсус Низом орқали белгиланадиган солиқ имиёзларидан фойдаланадилар, бунда ички ва ташқи инвесторлар учун тенг шарт-шароитлар яратиб берилади. Эркин иқтисодий ҳудудлардаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаш учун маҳаллий меҳнат ресурслари, шунингдек мамлакатнинг бошқа минтақаларида истиқомат қилувчи фуқаролари ва чет эл фуқаролари жалб қилиниши мумкин. Бунда меҳнат муносабатлари қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ёки яқка тартибдаги меҳнат шартномалари орқали тартибга солиниб борилади. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг эркин иқтисодий ҳудудга кириши, иқтисодий ҳудуддан чиқиши ва шу ҳудудда бўлиши тартиботи соддалаштирилган бўлиши мумкин. Эркин иқтисодий ҳудуднинг фаолиятини ҳудуд маъмурий кенгаши бошқариб боради, эркин иқтисодий ҳудуднинг чегаралари эса ҳар бир мамлакат маъмурий-ҳудудий бирлиги чегараларига тўғри келган тақдирда эса, маъмурий кенгаш бошлиғи вазифалари шу ҳудуд ҳокимият органига юкланиши мумкин. Эркин иқтисодий ҳудуд маъмурий кенгаши эркин иқтисодий ҳудуднинг ҳуқуқий тартиботига риоя этилишини назорат қилиб боради, ҳудудни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади, инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча шартлар белгилайди, ҳудуднинг йиллик бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Эркин иқтисодий ҳудуд чегаралари ичида жойлашган давлат мулки объектлари (ер, сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар, бинолар ва иншоотлар) оператив бошқарув ёки тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи билан ҳудуд маъмурий кенгашига топшириб қўйилиши мумкин, ҳокимият органлари эса эркин иқтисодий ҳудуд маъмурий кенгашига топшириб қўйилган ер, ер ости бойликлари, атроф-муҳит ва бошқа объектлардан самарали ва оқилона фойдаланилиши ҳамда уларнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат олиб борадилар.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан самарадорлигини инфраструктуранинг юқори даражада ривожланганлиги, табиий-иқлимий шароитлар, хом-ашё ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси каби омиллар ҳам белгилаб беради. Шунинг билан бир қаторда, эркин иқтисодий ҳудудларда ҳам ишсизлик, инфляциянинг ўсиши, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан тоифаларга бўлиниши каби салбий ижтимоий-иқтисодий жараёнлар мавжуд бўлиши ҳам мумкин.

БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи ва хусусан, халқаро савдонинг ривожланиши миллий иқтисодиётларнинг интеграциялашуви, эркинлашуви ва очиклик даражасининг ортиши билан характерланади. Ҳозирги даврда дунёнинг кўпчилик мамлакатлари ўзининг халқаро меҳнат тақсимоти иштирокини кенгайтириш учун унинг ноанъанавий шакллари жорий этишдан фойдаланмоқдалар. Экспортга йўналтирилган ихтисослашув ҳозирда фақат саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларгагина хос бўлмай, деярли барча янги саноатлашган мамлакатлар, айрим ўтиш иқтисодиётли ва ривожланаётган мамлакатлар ҳам худди шу йўлни танламоқдалар. Экспортга йўналганлик стратегиясининг асосий ташкил этувчи унсурларидан бири эркин(махсус) иқтисодий ҳудудларни ташкил этишдир. Эркин иқтисодий ҳудудлар маҳаллий ва хорижий инвестиция-

ларни жалб этиш, тўлов балансини яхшилаш, ва ниҳоят, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашув мақсадида ташкил этилади.

Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, улар жойлашадиган ҳудудга бўлган талаблар, унда мавжуд шароит бўйича турли хил қарашларни учратиш мумкин. Эркин иқтисодий ҳудуд бажариши зарур бўлган вазифаларга боғлиқ ҳолда уларнинг жойлашишига турлича талаб қўйилади. Айрим ҳолларда эркин иқтисодий ҳудудни янги ўзлаштирилган ҳудудларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳақиқатда хорижий инвестицияларни жалб этиш, тўлов балансини яхшилаш, ва ниҳоят, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашув мақсадида ташкил этилади.

Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, улар жойлашадиган ҳудудга бўлган талаблар, унда мавжуд шароит бўйича турли хил қарашларни учратиш мумкин. Эркин иқтисодий ҳудуд бажариши зарур бўлган вазифаларга боғлиқ ҳолда уларнинг жойлашишига турлича талаб қўйилади. Айрим ҳолларда эркин иқтисодий ҳудудни янги ўзлаштирилган ҳудудларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳудудлар саноат ривожланмаган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузулма мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам йирик давлат аҳамиятига эга бўлган дастурларни амалга ошириш мақсадида (масалан, мамлакатнинг ёнилғи энергетика, минерал хом ашё базасини мустаҳкамлаш) тузилади.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш жамиятнинг турли доираларида бундай ҳудудларни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги, уларнинг вазифалари ва мақсадлари, жойлаштириш минтақалари ва бошқалар тўғрисида қизгин баҳсларни келтириб чиқаради. Ушбу муҳокама-лар табиий, зарурий ва мамлакат ҳаётидаги янги ҳодисани тасдиқлаш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади.

II БОБ. МИНТАҚАЛАРДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

2.1. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг ҳозирги даражасини қиёсий таҳлили

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишда асосий эътибор ҳудудларнинг табиий ресурслари ҳамда индустриал салоҳиятидан фойдаланиш самарасини юксалтириш ва охир-оқибат экспорт тизимини кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг унумли формаси бўлган замонавий эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айнан шу йўналишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бераётган бир қатор иқтисодий чора-тадбирларни қайд этиш жоиз.

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб, жаҳон иқтисодиёти барча секторларининг глобаллашув жараёни йирик молиявий капитални миллий тегишлиликдан ва хусусий компанияларнинг молиявий оқимлари устидан қаттиқ назорат ўрнатиш ҳисобига ижтимоий ва бошқа муаммоларни ечишга ҳаракат қилаётган етакчи иқтисодий давлатлар қонунчилигига боғлиқлигидан озод қилишга нисбатан талабни юзага келтирди. Ушбу талабга жавоб сифатида бир қатор майдони кичик ва аҳолисининг сони кўп бўлмаган давлатлар томонидан, аксарият ҳолларда ривожланган давлатлар билан 2 мартадан солиққа тортилишнинг олдини олиш мақсадида, солиққа тортилмаган ҳолда ўз мамлакати ҳудудида бизнесни ташкил этиш учун хорижий мамлакатлар капиталига нисбатан тақлифлар ҳам пайдо бўлди. Бундай давлатлар ёки уларнинг бўлаги «офшор майдонлар» номини олди. Офшор майдонлар жаҳон иқтисодиётининг интернационализациялашуви ва глобаллашуви натижасида эркин иқтисодий ҳудудлар шаклланди.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш дунёдаги кўплаб давлатлар сингари республикамизда ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг, ташқи иқтисодий алоқаларни, умуман, иқтисодиётимизни

ривожлантиришни жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Хорижий инвесторларни Ўзбекистонга жалб этиш самарадорлигини оширишда қонунга мувофиқ хорижий инвесторларга бир қатор имтиёзлар берилади:

- Хорижий инвесторларга таклиф этилаётган имтиёзлар
- Ташқи савдо имтиёзлари
- Молиявий имтиёзлар
- Административ (маъмурий) имтиёзлар

1. Ташқи савдо имтиёзлари. Улар махсус божхона тариф режимини (экспорт-импорт тўловларини камайтириш ёки бекор қилиш) татбиқ этиш ва ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш, солиқ имтиёзлари. Тадбиркорлар фаолиятини солиқ нормалари имтиёзлари билан рағбатлантиришдир. Бу имтиёзлар солиқ солинадиган базани, уни ташкил этувчи айрим таркибий қисмларини, солиқ ставкаси даражасини, солиққа тортишдан вақтинча ёки доимий озод қилиш масалаларини ўз ичига олиши мумкин.

2. Молиявий имтиёзлар. Турли формадаги субсидияларни ўз ичига олади. Улар коммунал хизматларга нисбатан паст нархларнинг ўрнатилиши, ердан, ишлаб чиқариш биносидан фойдаланилганлиги учун тўловларнинг пасайтирилиши, имтиёзли кредитларнинг берилиши кўринишида бўлиши мумкин.

3. Административ (маъмурий) имтиёзлар. Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш жараёнини, чет эл фуқароларини четга чиқиши ва келиши режимини, шунингдек, турли хизматлар кўрсатишни минтақа администрацияси томонидан соддалаштириш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида хорижий инвесторларга нисбатан кўзда тутилган кафолатлар, минтақадаги янада ривожланган индустриал база, МДХ давлатлари бозорларига божларсиз чиқиш имконияти, юқори малакали ва рақобатбардош ишчи кучи ҳамда бой хом ашё ресурслари

захираларининг мавжудлиги республикамизга тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ЭИЗлар барпо этиш имкониятларини кенгайтиради.

Мамлакатимизда инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган “Ангрен” махсус индустриал ҳудуди, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди, “Жиззах” махсус индустриал ҳудудининг ташкил этилгани юқори технологияларга асосланган корхоналарни ривожлантириш имконини кенгайтирди.

Эркин иқтисодий ҳудудларни муваффақиятли фаолият юритиши ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда уларни ҳаётга кенгроқ татбиқ этишда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор бериш керак:

- эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати элементларидан бири ҳисобланади;

- эркин иқтисодий ҳудудларнинг барпо этилиши давлатнинг, минтақаларнинг, тадбиркорлик субъектларининг, аҳолининг қизиқишлари мутаносиблигига асосланган бўлиши, мақсади ва функциялари йўналтирилганлиги бўйича жавоб бера олиши керак.

Ўзбекистонда биринчи эркин индустриал иқтисодий ҳудуд Марказий Осиё минтақасининг энг марказида, Навоийда барпо этилди. Навоий вилояти малакали ишчи кучига, саноат ва коммуникация инфратузилмасига эга ривожланган индустриал минтақадир. Навоий ҳудудида республикамиз саноат ишлаб чиқаришининг 10 фоизи жойлашганлиги, қулай транспорт-логистик салоҳиятига эга эканлигини алоҳида таъкидлашимиз керак.

Минтақанинг транспорт инфратузилмаси қуйидагилар билан тавсифланади:

- “Навоий” халқаро аэропорти Korean Air ва Россия авиакомпаниялари каби халқаро авиа йўналишларга хизмат қилади;

- Шанхай билан Парижни туташтирувчи, халқаро аҳамиятга эга “Е-40” автомагистрали “Европа-Осиё” бевосита аэропорт яқинидан ўтади;

- юкларни транзит қилиш ҳажмининг ярмига аэропорт яқинига туташган темир йўл тизими томонидан хизмат кўрсатилади.

Навоий вилояти ривожланган темир йўл инфратузилмасига эга ва у орқали қуйидаги йўналишларда чиқиш мумкин:

1. Шимолий - ғарбий йўналиш: “Учқудук - Нукус - Бейнов - Волгоград – Европа”.

2. Шарқий йўналиш: “Самарқанд - Тошкент - Дўстлик – Хитой”.

3. Жануби - ғарбий йўналиш: “Бухоро - Туркменистон - Б.Аббос - Яқин Шарқ”.

4. Жанубий йўналиш: “Термиз – Афғонистон – Осиё”.

“Навоий” эркин индустриал иқтисодий ҳудуди 500 гектар майдонда ташкил этилган бўлиб, Навоий ва Маликработ шаҳарлари яқинида жойлашган. Бу шаҳарлардаги аҳолининг сони 1 млн. киши атрофида. Эркин индустриал иқтисодий ҳудудидан “Навоий” халқаро аэропортининг юк терминалигача 1,8 км, темир йўл юк станцияларигача 1,8 км, “Е-40” автомагистралигача 0,8 км, энг яқин электроподстанциясигача 8 км, юқори босимдаги газ узатиш ва сувни тақсимлаш тармоқларигача 0,8 км. масофани ташкил этади.

“Навоий” эркин индустриал иқтисодий ҳудуди 30 йил муддатга алоҳида солиқ, божхона, валюта тизимлари ўрнатилган. Эркин индустриал иқтисодий ҳудуди резидентлари ер солиғидан, мулк солиғидан, фойда солиғидан, кичик корхоналар учун ягона солиқдан озод қилинган.

Республика йўл фондига ва мактаб фондига мажбурий тўловлар киритилган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг миқдориغا қараб, озод қилинади:

- 3 млн. дан 10 млн. еврогача инвестициялар киритилганда 7 йилгача;

- 10 млн. дан 30 млн. еврогача инвестициялар киритилганда 10 йилгача, охириги 5 йилда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини 50 фоизгача;

- 30 млн. евро ва ундан ортиқ инвестициялар киритилганда 15 йилга, охириги 10 йилида фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини 50 фоизгача пасайтириш имтиёзлари берилган.

Хорижий инвесторлар мамлакатдаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ҳамда ушбу эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида таклиф этилаётган имкониятлар ва имтиёзлар туфайли унга инвестиция киритиб, узоқ муддатли индустриал лойиҳаларни амалга оширмоқдалар.

Айни пайтда бу ерда Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон, БАА ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

“Навоий” халқаро интермодаль логистика марказида айни пайтга келиб, турли қитъалардан, жумладан, Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёга ҳафтасига 30-40 та юк самолёти қўниб, яна учиб кетаяпти. Ушбу марказ фойдаланишга топширилганидан буён 200 минг тоннадан зиёд юк ташилди¹.

Шу юклар орасида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги маҳсулотлар ҳам бор бўлиб, уларнинг катта қисми хорижга экспорт қилинаётганлиги бизнинг иқтисодимизни мустаҳкамлаб келмоқда.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобиль ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда ўтказилган мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузаси.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди сафига шимолда жойлашган ва ишлаб чиқаришдан ташқари миллий ҳамда халқаро миқёсда автомобиль йўллари ёрдамида юк ташишга асосланган “Ангрен” махсус индустриал ҳудуди ҳам қўшилди.

Бу ерда темир йўл ва магистраль логистикасини ривожлантириш ҳамда атрофидаги саноатга ихтисослаштирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсад қилинди. Энди бу ҳудудга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳам жалб қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

“Ангрен” махсус индустриал ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталиқдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

2013 йилнинг март ойида Жиззах вилоятида “Жиззах” махсус индустриал ҳудуди ташкил этилди. Сирдарё вилоятида бу ҳудудининг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузил-масини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

2013 йилнинг ўзидаёқ мазкур ҳудудда Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дона мобил телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди.

Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий ҳудудлар хусусида тўхталиб ўтар экансиз, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Республикамиз халқаро хорижий ҳамкорлар билан турли имкониятлардан фойдаланиб, интеграциялашув жараёнларини жадаллашини, иқтисодиётни модернизациялашда самарадорлик янада ортади. Жаҳон мамлакатлари орасида эркин иқтисодий ҳудудлар

атамаси кенг қўлланилади. Халқаро амалиётдан шуни кўришимиз мумкинки, мазкур иқтисодий ҳамкорлик формасидан фойдаланаётган давлатлар сезиларли даражада кутилган натижаларга эришмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, эркин иқтисодий ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида республика ишчи гуруҳи “Жиззах” махсус индустриал зонаси ва мамлакатда яратилган инвестицион муҳит юзасидан тақдирот ўтказиш учун 7-15 апрель кунлари ХХРнинг бир неча шаҳарларида бўлиб, енгил саноат, электротехника, автосаноат каби қатор лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришди. Айни пайтда ҳудудда замонавий ва инновацион корхоналарни барпо этиш ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича тезкор ва кенг қўламли ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

Президентимизнинг юқоридаги фармони ва мавжуд қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида “Жиззах” махсус индустриал ҳудудининг асосий мақсадлари қилиб қуйидагилар белгиланган:

- ички ва ташқи бозорга юқори қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий юқори технологияларни жорий этиш ва самарали фаолиятини йўлга қўйишга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратиш;

- ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва захираларидан самарали фойдаланиш, минерал хом ашё базаларини қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш;

- республика махсус саноат ҳудудларида фаолият юритадиган корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш ва маҳаллий

хом ашё ресурслари негизда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

– ҳудудларнинг ривожланиши ва транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктураларидан самарали фойдаланиш.

“Жиззах” махсус индустриал ҳудудининг амал қилиш муддати 30 йилни ташкил қилади. Махсус индустриал ҳудуд М-39 халқаро автомагистрали ва халқаро денгиз портларига олиб чиқувчи темир йўл билан боғлангани, “Навоий” халқаро логистика марказига яқин жойлашгани боис маҳаллий ва хорижий сармоядорларга қулайлик яратади.

Президентимизнинг “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони асосида қатор солиқ ва бож имтиёзлари белгиланганки, бу маҳаллий ҳамда хорижий сармоядорлар учун замонавий технологиялар асосида ички хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий бозордан ортган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини кенгайтиради. Хусусан, ҳудудда ташкил этиладиган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар учун қуйидаги имтиёзлар назарда тутилган:

- мулк солиғи;
- даромад (фойда) солиғи;
- ягона солиқ (кичик бизнес субъектлари учун);
- республика йўл фонди учун тўлов;
- республика ўрта ва умумий таълим фонди учун тўлов.

Киритиладиган инвестиция миқдorigа қараб муайян йилга тўловлардан озод қилинади:

- 300 минг АҚШ доллариdan 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йилга;
- 3 миллион АҚШ доллариdan 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йилга;
- 10 миллион АҚШ доллариdan кўп – 7 йилга.

Қиймати 50 миллион АҚШ доллариdan ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари

доирасида ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига 12 ой муддат билан кириш визалари ҳамда кўп марталик визалар расмийлаштирилади.

Худудда ташкил этилган корхоналар инвестицион вақт давомида республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва қурилиш материаллари ҳамда хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар олиб келишда божхона тўловларидан озод этилади.

Корхоналарнинг маҳсулот экспортидан тушган валютани сотиш миқдори республикада ишлаб чиқарилмайдиган ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё ва материалларни сотиб олиш учун кетган харажат ҳисобига камайтирилади.

Гувоҳи бўлинганидек, мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омилидир. Бу эса пировард натижада аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши турган гап. Шу ўринда Жиззахда яратилажак махсус индустриал ҳудуд ривожига қандай таъсири кутилмоқда, деган савол туғилиши табиий.

Асосан Жиззах вилоятининг 344 гектар майдонга эга “А” саноат ҳудуди ва унинг атрофида ташкил этиладиган махсус индустриал ҳудуднинг нафақат Жиззах, балки қўшни вилоятлар учун ҳам аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу минтақадаги мавжуд бой хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, ушбу вилоятларда инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш, юксак технологияли ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ўз навбатида, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишини таъминлаш имконини беради. Ҳудудлар инфратузилмаси ҳам тубдан яхшиланиб, аҳолининг иш билан таъминланиш ва моддий манфаатдорлик даражаси ҳам сезиларли даражада ортади.

Мамлакатимиз раҳбарининг “Жиззах” махсус индустриал ҳудудини барпо этиш юзасидан қабул қилган фармони ва мазкур ҳужжат ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилгани, хорижий сармоядорлар билан амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар иқтисодийтимизни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда янги имкониятлар яратиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон миқёсида молиявий инқироз давом этаётган бир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан пухта ўйланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган иқтисодий сиёсат тўла маънода ўзини оқламоқда. “Жиззах” махсус индустриал ҳудудининг барпо этилиши ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, маҳаллий хом ашё ресурсларини жаҳон бозорида ўз ўрнига эга, юқори ликвидли маҳсулотларга айлантириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш борасида ташланган муҳим қадамлардан эканлиги шубҳасиз.

2.2. Эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланишининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, халқимиз мустақил тараққиёт йўлига чиқиб, ўз олдида буюк мақсадларни қўйди. Ўтган давр ўзига хос ривожланиш стратегиямиз – “Ўзбек модели”нинг нақадар тўғри танланганини амалда исботламоқда. 2008 йилдан буён давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмагани ҳам фикримизни далиллаб турибди. Айниқса, Ўзбекистонда иқтисодиётга ташқи инвестицияларнинг жалб этилиши билан боғлиқ муҳим жараённинг оқилона амалга оширилиши натижасида саноатимиз катта суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу ЯИМда айнан ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бораётганида кўзга ташланади.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжал-

ланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «“Навоий” ва “Ангрен” эркин индустриал-иқтисодий ҳудудлари республикамизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга йўналтирилган лойиҳа-ларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллаётганига эътибор қаратиб, “Қўлга киритган тажрибамиз шуни тасдиқлаб бермоқдаки, мамлакати-мизнинг бошқа минтақаларида ҳам “Навоий” ва “Ангрен” каби махсус индустриал ҳудудларни, замонавий логистика тизимлари ва транспорт инфра-тузилмаларини яратиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш мақсадларимизга жавоб беради»¹, дея таъкидлаганди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси тасдиқлайдики, иқтисодиёт ривожига айнан эркин иқтисодий ҳудудлар салмоқли ўрин тутди. Шу маънода бу йил мамлакатимизда мазкур йўналишда яна бир йирик лойиҳа амалга оширила бошланганини қайд этиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 19-20 апрель кунлари Хитойнинг Халқ Республикасига давлат ташрифи давомида икки давлат ўртасида иқтисодий-ижтимоий ҳамкорлик борасида Жиззах вилоятида Хитой юқори технологиялари асосида саноат паркини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан келишиб олинган эди.

Янги саноат паркида асосан пластик ва юқори технологияга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан таклифлар берилган. Жиззах вилоятининг 8 нафардан иборат ишчи гуруҳи Хитой давлатининг 5 та шахрида бўлиб, эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши юзасидан тажрибалар орттириб келишди. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида республика ишчи гуруҳи “Жиззах” махсус индустриал зонаси ва мамлакатда яратилган инвестицион муҳит юзасидан тақдимот ўтказиш учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

7-15 апрель кунлари ХХРнинг бир неча шаҳарларида бўлиб, енгил саноат, электротехника, автосаноат каби қатор лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришди. Айни пайтда ҳудудда замонавий ва инновацион корхоналарни барпо этиш ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича тезкор ва кенг қўламли ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

Президентимизнинг юқоридаги фармони ва мавжуд қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида “Жиззах” махсус индустриал ҳудудининг асосий мақсадлари қилиб қуйидагилар белгиланган:

- ички ва ташқи бозорга юқори қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий юқори технологияларни жорий этиш ва самарали фаолиятини йўлга қўйишга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратиш;
- ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва захираларидан самарали фойдаланиш, минерал хом ашё базаларини қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш;
- республика махсус саноат ҳудудларида фаолият юритадиган корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш ва маҳаллий хом ашё ресурслари негизида юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;
- ҳудудларнинг ривожланиши ва транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктураларидан самарали фойдаланиш.

“Жиззах” махсус индустриал ҳудудини амал қилиш муддати 30 йилни ташкил қилади. Махсус индустриал ҳудуд М-39 халқаро автомагистрали ва халқаро денгиз портларига олиб чиқувчи темир йўл билан боғлангани, “Навоий” халқаро логистика марказига яқин жойлашгани боис маҳаллий ва хорижий сармоядорларга қулайлик яратади.

Президентимизнинг “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони асосида қатор солиқ ва бож имтиёзлари белгиланганки, бу маҳаллий ҳамда хорижий сармоядорлар учун замонавий

технологиялар асосида ички хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий бозордан ортган маҳсулотларни экспорт қилиш имкони-ятини кенгайтиради. Хусусан, ҳудудда ташкил этиладиган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар учун қуйидаги имтиёзлар назарда тутилган:

- мулк солиғи;
- даромад (фойда) солиғи;
- ягона солиқ (кичик бизнес субъектлари учун);
- республика йўл фонди учун тўлов;
- республика ўрта ва умумий таълим фонди учун тўлов.

Киритиладиган инвестиция миқдориغا қараб муайян йилга тўловлардан озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида – 3 йилга;
- 3 миллион АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида – 5 йилга;
- 10 миллион АҚШ долларида кўп – 7 йилга.

Қиймати 50 миллион АҚШ долларида ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доира-сида ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига 12 ой муддат билан кириш визалари ҳамда кўп марталик визалар расмийлаштирилади.

Ҳудудда ташкил этилган корхоналар инвестицион вақт давомида республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва қурилиш материаллари ҳамда хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар олиб келишда божхона тўловларидан озод этилади.

Корхоналарнинг маҳсулот экспортидан тушган валютани сотиш миқдори республикада ишлаб чиқарилмайдиган ишлаб чиқариш учун зарур

хом ашё ва материалларни сотиб олиш учун кетган харажат ҳисобига камайтиради.

Гувоҳи бўлинганидек, мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омилидир. Бу эса пировард натижада аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши турган гап. Шу ўринда Жиззахда яратилажак махсус индустриал ҳудуд ривожига қандай таъсири кутилмоқда, деган савол туғилиши табиий.

Асосан Жиззах вилоятининг 344 гектар майдонга эга “А” саноат ҳудуди ва унинг атрофида ташкил этиладиган махсус индустриал ҳудуднинг нафақат Жиззах, балки қўшни вилоятлар учун ҳам аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу минтақадаги мавжуд бой хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, ушбу вилоятларда инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш, юксак технологияли ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ўз навбатида, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишини таъминлаш имконини беради. Ҳудудлар инфратузилмаси ҳам тубдан яхшиланиб, аҳолининг иш билан таъминланиш ва моддий манфаатдорлик даражаси ҳам сезиларли даражада ортади.

Мамлакатимиз раҳбарининг “Жиззах” махсус индустриал ҳудудни барпо этиш юзасидан қабул қилган фармони ва мазкур ҳужжат ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилгани, хорижий сармоядорлар билан амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар иқтисодиётимизни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда янги имкониятлар яратиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон миқёсида молиявий инқироз давом этаётган бир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан пухта ўйланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган иқтисодий сиёсат тўла маънода ўзини оқламоқда. “Жиззах” махсус индустриал ҳудуднинг барпо этилиши ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, маҳаллий хом ашё ресурсларини жаҳон бозорида ўз ўрнига эга, юқори ликвидли маҳсулотларга айлантириш, мамлакатимиз

иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш борасида ташланган муҳим кадамлардан эканлиги шубҳасиз.

2.3. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари ва устивор йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йилнинг 2 декабрида Ўзбекистон Республикасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги №ПФ-4059-сонли Фармони қабул қилинди. Навоий вилоятида хорижий инвесторларнинг кириб келиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишда тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда вилоят ҳўжалигида хорижий инвесторлар ёрдамида қурилган 40 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатиб турибди. АҚШ, Панама, Хитой, Россия, Жанубий Корея ва Украиналик инвесторлар иштироки билан қурилган корхоналарнинг асосий қисми Навоий ва Зарафшон шаҳарларига тўғри келади. Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми озиқ-овқат саноатига (7 та), кимё саноати (6 та), транспорт ва алоқа тармоғи (5 та), қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати (6 та), машинасозлик (4

та), енгил саноат (4 та), савдо (3 та), рангли металлургия (2 та), қишлоқ хўжалиги соҳасидаги (1 та) саноат тармоқларига тўғри келади.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтгазгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва пропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2015 йилда қўшма корхоналар томонидан умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 211,7 млрд.сўмни (95,7 млн. АҚШ доллар) ташкил этиб, энг кўп маҳсулотлар товар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилди. Шу йили қўшма корхоналар томонидан 75,1 млн. маҳсулотлар экспорт қилинди, қурилган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортининг ўсиши 2014 йилга нисбатан 138,2 % ни ташкил этган.

**2015 йилда Навоий эркин иқтисодий ҳудудида ташкил этилган
қўшма корхоналарнинг йил якунидаги ҳолати¹**

№	Шаҳар (туман)лар бўйича корхоналар кесимида	Асосий фаолият тури	2015 йил	
			Ишлаб чиқариш (млн.сўм)	Экспорт (минг.АҚШ долл)
1.	“O’ZMINDA” Ўзбекистон–Ҳиндистон ҚК	автомобил ва трактор эҳтиёт қисмлари	2142	101,1
2.	“UZKOR LIGHTING” Ўзбекистон – Корея ҚК	электр тежамкор лампалар	190	79.2
3.	“TELEKOM INNOVATIONS” Ўзбекистон - Сингапур ҚК	Рангли рақамли ТВ сигналлар қабул қилиш ускуналари	7051	3501,3
4.	"UzEraiCabel" Ўзбекистон-Корея ҚК	автомобилларга кабеллар	11140,0	555,7
5.	"AGROFRESH" Ўзбекистон - БАА ҚК	тайёрлов корхона	2639,8	1259,8
6.	"DUGASTECH" Ўзбекистон – Корея ҚК	автомобиль генераторлари ва компрессорлари	501	272,2

¹ Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари 2015

Ўзбекистонда Инвестиция дастури доирасида 2015 йилда 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган бўлса, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 6 та корхона фойдаланишга топширилди. Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот” компаниясининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилди.

Навоий вилояти бўйича 2016 йилда хорижий инвестицияларини жалб этиш ҳудудий Дастурига 21 та лойиҳа киритилган бўлиб, бу лойиҳалар бўйича йил давомида 24,4 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган. Жорий давргача 28,3 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиб, режа 15,6 % га бажарилди. Бу кўрсаткич 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 2,8 марта кўп, яъни 10,2 млн. АҚШ долларга кўп бўлиб, лойиҳанинг асосий ўсиш кўрсаткичи Навоий вилояти «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида 3,0 минг тонна сиғимга эга замонавий усулда газ муҳитини бошқариб борадиган (РГС) совутиш камералари ташкил этилганлиги ҳисобига юқорилади. Бу лойиҳа қиймати ҳисобига 8,3 млрд.сўмга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилади. Лойиҳага асосан «Марказсаноатэкспорт» ДАТСК ва «Kefayat General Trading Co. LLC» (БАА) компанияси маблағлари сарфланди¹.

Ўтган йиллар мобайнида хорижий инвестицияларнинг ҳудудлар кесимидаги улушини кўзатадиган бўлсак, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг катта қисми Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, шунингдек Фарғона вилоятига тўғри келган бўлса, 2014-2015 йилларда асосий етакчи Навоий вилояти ҳисобланиб, бу давра ўсиш кўрсаткичи 123,7 фоиз яъни, 7,1 млн АҚШ доллари ташкил этган.

Навоий ЭИИХга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда унда яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари 2015

муҳим ўрин тутди. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилди. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгиловчи кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади. Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтига элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини ўрта гуруҳга бўлиш мумкин.

Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот коммуникацияларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади. Навоий вилояти иккинчи гуруҳга (индекс 0,322-0,288) кирази, ушбу гуруҳ хорижий инвесторларнинг мавжуд қазиб олувчи ва қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

Навоий вилоятининг инвестицион мавқеини (имиджисини) ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

- транспорт йўллари (автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўллари) ривожланганлиги ва замонавий алоқа телекоммуникация воситалари билан таъминланганлиги;
- энергетика бозорининг мавжудлиги;
- интеллектуал кадрлар салоҳиятига эгалиги;
- қулай ижтимоий-иқтисодий ва маданий, шунингдек туристик муҳитнинг мавжудлиги;
- ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг барқарорлиги;
- шаҳар аҳолисининг юқори тўлов имкониятларига эгалиги;
- инфратузилмани ривожлантириш ва шунингдек инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватловчи имкониятларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Навоий вилоятини иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларга қаратилган:

- қайта тиклаш, мавжуд корхоналарни техник жиҳозлаш ва кенгайтириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, комплекс иқтисодий чора-тадбирларни кўриш;
- вилоятда хомашё ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳисобга олиб, янги корхоналарни қуриш;
- минерал хом-ашё ва сув ресурсларни ўзлаштиришни янада кенгайтириш ва бошқалар.

Навоий шаҳри атрофида эркин саноат-иқтисодий ҳудудига хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

1. Республикамизда энг йириклардан бўлган кимё, энергетика, тоғ-кон, цемент корхоналари асосида юзага келган Навоий шаҳрининг саноатлаштириш даражаси. Бу жиҳатдан шаҳар янада ривожланиш имкониятларига эга етарли даражадаги саноат ва коммуникация инфраструктурасига эга.
2. Навоийдан, жанубдан Эрон ва Туркияни портларига ғарбдан ва шимолдан Қора денгиз ва Болтиқ денгизи портларига чиқувчи ҳудуднинг ҳамма асосий темир йўл трассалари ва шунингдек Хитойдан Европагача энг қисқа темир йўл маршрути ўтади.
3. Саноат объектларини жойлаштириш мумкин бўлган катта бўш ер майдонининг мавжудлиги. Масалан шаҳар ва аэропорт ўртасида Э-40 трассаси бўйлаб фойдаланиш мумкин бўлган ерлар майдон 1000 гектарга яқиндир.
4. Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларининг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга тобора интеграция қилиб бориши нафақат ички бозорда, шунингдек хорижда ҳам ва айниқса 300 млн.ли аҳолига эга ва Ўзбекистон билан эркин савдо ҳудуди ўрнатилган МДҲ

давлатларида ҳам талабга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни рағбатлантиради.

5. Навоий эркин саноат-иқтисодий ҳудудида келажак технологиялари, янги ресурс ва энерготехнамкор технологияларни жалб қилиш йўли билан кейинги 20-30 йил ичида долзарб бўлиб қолувчи экологик соф, замонавий, диверсификацияланган саноат базасини яратиш имконияти.

Навоий ЭИИХ махсус ҳудуднинг барча классик функцияларини бажаради: янги технологияларни, инвестицияларни жалб қилиш ва бошқалар.

ЭИИХ “ўсиш нуқтасининг” локомотивини ташкил этиб, бу нарсани умуммиллий масштабда иқтисодий модернизация жараёнига жиддий таъсир кўрсатади. Навоий вилоятининг иқтисодий ва экспорт имкониятларини янада рағбатлантиришда тоғ-кон ва кимё саноат корхоналари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тармоқлари ва шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш саноати тармоқлари муҳим рол ўйнамоқда.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат. Бу вазифаларни амалга ошириш 2016-2020 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рағбатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади. Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, Навоий

вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс куриш, автомобиль двигателлари, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобиллари, “Мерседес Бенц” шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, “Клаас” компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин. Навоий ЭИИЗга хорижий инвестицияларни жалб қилишда йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари билан ҳамкорлик қилиш масаласига алоҳида аҳамият бериш зарур. Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистралари участкаларини қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

2016-2020 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектла-

рини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилади.

Туризм жаҳоннинг кўплаб давлатларининг миллий иқтисодиётини ривожланишида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Навоий вилояти гарчи Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент, Хива, Қарши ва Термиз каби шаҳарлардан бир неча юз километр узоқликда жойлашган бўлсада, муҳим халқаро туристик марказлардан бири ҳисобланади. Тарихий аҳамиятга эга бўлган кўплаб ёдгорликларни (Кармана, Нурота, Сармишсой қадимги ёдгорликлари ва бошқалар) ва дам олиш ҳудудларининг (Янгиқазғон дам олиш чўл зонаси, Ҳайдаркўл дам олиш зонаси ва ҳоказолар) мавжудлиги кўплаб туристларни ўзига жалб қилиш имконини беради. Шундай қилиб, Навоий вилоятида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланиши ва шунингдек чет эл инвестициялар ҳажмини йилдан-йилга ортиб бориши, ўнлаб янги замонавий саноат корхоналарни ишга туширилиши, саноат ва қишлоқ хўжалигида экспорт салоҳиятини тобора кенгайиб бориши аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмуш тарзини янада яхшиланиб боришига имкон бермоқда.

III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МИНТАҚАЛАРДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини такомиллаштириш орқали минтақалар инвестицион фаъоллигини ошириш имкониятлари

Эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш жамиятнинг турли доираларида бундай ҳудудларни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги, уларнинг вазифалари ва мақсадли жойлаштириш имкониятлари ва минтақалар инвестицион фаъоллигини ошириш борасида қизгин баҳсларни келтириб чиқаради. Ушбу муҳокамалар табиий, зарурий ва мамлакат ҳаётидаги янги ҳодисани тасдиқлаш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Исталган ташкил этилаётган ҳудуд (эркин иқтисодий ҳудуд - ЭИХ) ишлаб чиқилган комплекс ривожланиш режасига, яъни барча хўжалик объектларини ривожлантириш, иқтисодий алоқаларда тенг ҳуқуқли иштирок этувчи ҳар хил мулкчилик (давлат, кооператив, акциядорлик, қўшма, якка тартибдаги) шаклларига асосланган янги ишлаб чиқариш муносабатларини вужудга келтириш режасига эга бўлиши зарур. Дастурнинг асосий мақсади давлат, тижорат ва хорижий капиталдан, аҳоли маблағларидан комплекс фойдаланиш, ишбилармонлик, молиявий ва ҳуқуқий тузилмаларни фаоллаштириш асосида ҳудудни динамик иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришдан иборат бўлиши зарур¹.

Амалиёт кўрсатишича, исталган ҳудуднинг ҳақиқий фаолият кўрсатиши учун қуйидаги тузилмаларнинг мавжуд бўлиши заруратга айланган:

- дастурнинг ижроси учун масъул ва бошқарув органини — зона кенгашини шакллантирувчи йирик акциядорлик жамияти (давлат иштирокига эга);

- ҳудуд вазифаларини ҳал этиш учун инвестицияларни жалб қилувчи суғурта инвестицион фонди (суғурта жамияти);

¹ К.Х.Абдурахманов, А.М.Абдуллаев, Ш.Х.Дадабаев. Региональная экономика и управление. Т.: 2007, С.739.

- ҳудуд бюджетини шакллантирувчи, бюджет ва кредит маблағларини ишлатилишини ва республика бюджети билан ўзаро муносабатларни назорат қилувчи ҳудуд марказий банки;

- солиққа тортиш, лицензиялаш, банк фаолияти, гаров ҳуқуқи, концессияларни тақдим қилиш, меҳнат ва ижтимоий масалаларни тартибга солувчи ҳудудий қонунчилик.

1991 йилда ҳудудларни бошқариш, қонуний-меъёрий база ва молиявий-хўжалик инфратузилмасини яратиш, лойиҳаларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ЭИХ Халқаро ривожланиш ассоциациясининг (ЭИХХРА) таъсис этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. У 100 дан ортиқ таъсисчиларга (вилоятлар, республикалар, банклар, шаҳарлар, институтлар) эга. ЭИХХРА раҳбарларининг фикрига кўра, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва яхши фаолият юритиши учун қуйидаги дастлабки шарт-шароитларни таъминлаш зарур:

- катта капиталга эга, ўз зиммасига ҳудудни яратиш дастурининг ижроси учун тўлиқ моддий масъулиятни олувчи йирик акциядорлик жамиятларининг (давлат капитали иштирок этган) мавжудлиги;

- ҳудудни ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш учун зарурий ҳажмда валюта тушумларини жалб қилишни таъминловчи махсус гаровсуғурта инвестицион фонди (суғурта жамияти)ни ташкил қилиш;

- бюджетини шакллантиришни таъминловчи, бюджет ва кредит маблағларини ишлатилишини назорат қилувчи, давлат бюджети билан ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи зона марказий банкини яратиш;

- минтақавий ва давлат даражаларида махсус ҳудудий қонунчиликни ишлаб чиқиш; ушбу қонунчилик ҳужжатлари ҳудудда солиққа тортиш, лицензиялаш, банк фаолияти, гаров ҳуқуқи, концессияларни тақдим қилиш, меҳнат ва ижтимоий масалаларни тартибга солиши зарур;

- ҳудуд раҳбарияти (масалан, ҳудуд кенгаши) ва маҳаллий (минтақавий) ҳокимият органлари ўртасида функцияларни ажратиш, улар

ўртасида мулкка эгалик ва уни тақсимлаш, нархни шакллантириш масалаларини ҳал қилиш, солиққа тортиш, лицензиялаш, турли имтиёзларни тақдим этиш тартиби муаммолари бўйича шартномавий муносабатларни ўрнатиш (қабул қилиш);

- республика органлари томонидан аниқ иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш дастурларини тасдиқлаш; ушбу дастурларда ЭИҲ томонидан республика манфаатлари нуктаи назаридан ҳал этилувчи масалалар кўзда тутилади, давлат капитал қўйилмалари ва субсидиялари ҳажми аниқланади, имтиёзлар ва уларни олиш муддатлари ўрнатилади;

- минтақавий ва маҳаллий ҳокимият тузилмалари томонидан ўзлари эга бўлган маълум бир ҳуқуқларни, энг аввало молиявий-хўжалик фаолият соҳасидаги ҳуқуқларни эркин иқтисодий ҳудудларни бошқариш органларига, шунингдек ҳудудларда жойлашган алоҳида ишлаб чиқаришлар, корхоналар, фирмаларга топширилиши. Эркин ҳудудларни ташкил этишда уларнинг иштирокчилари – хорижий ва миллий инвесторлар тўғрисидаги масалани ҳал этиш муҳим ҳисобланади.

Айнан иштирокчилар таркиби мамлакат иқтисодий ҳаётида ушбу янги хўжалик юритиш шаклининг муваффақиятини ёки омадсизлигини белгилаб берадики, улар энг аввало ҳудудларга сармоя киритмоқчи бўлган инвесторларнинг реакциясига боғлиқ. Жаҳон тажрибасини таҳлили кўрсатишича, эркин иқтисодий ҳудудларнинг лойиҳачилари нафақат хорижий ва миллий инвесторлар учун рағбатлантирувчи омилларнинг фарқланиши билан боғлиқ қийинчиликларга, балки бундай рағбатлантиришларнинг тескари, баъзан эса ўзаро қарама-қарши тавсифи билан боғлиқ мураккабликларга ҳам дуч келадилар. Хорижий сармоядор учун асосий рағбат бўлиши мумкин бўлган ҳолат (масалан, ички бозорга чиқиш имконияти) миллий сармоядорлар учун иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этувчиларнинг фаолиятини мураккаблаштирувчи яна бир омил шундан иборатки, улар, хорижий ва миллий инвесторлар томонидан рағбатлар ва қизиқтирувчи сабаблар ҳар хил

тушунилиши мумкинлигини тасаввур эта олмайдилар. Масалан, ҳудудларда яхши ривожланган инфратузилма маҳаллий инвесторлар учун капитал қўйилмалар киритиш учун катта рағбатлантирувчи кучга эга бўлиши мумкин, хорижий инвестор учун эса бундай “рағбат” зонага инвестицияларни киритиш бўйича қарор қабул қилишнинг мажбурий дастлабки шарти бўлиб ҳисобланади. Бунда хорижий инвестор учун бошланғич қадам бўлиб, ҳудуддаги инфратузилма даражаси эмас, балки ўз мамлакатада ёки бошқа хорижий мамлакатлардаги инфратузилма даражаси ва сифати ҳисобланади.

Маҳаллий инвесторлар маълум бир аниқ ҳудудда ташкил этилган шарт-шароитларни жуда илғор ва техник жиҳатдан замонавий деб (масалан, бошқарув тизими) қабул қилишлари мумкин бўлса, айтилиши вақтда хорижий инвесторлар анча кескин қарашларга эга бўлиши мумкин. Ушбу зиддият енгил бўлмас ҳолат бўлиб, ҳудудлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уни эътиборга олиш зарур¹.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг жозибадорлигини баҳолашдаги тафовутлар хорижий инвесторлар билан “консенсус” имкониятини инкор этмайди. Хорижий инвесторни ҳудудда иштирок этишга қизиқтирувчи омил бўлиб, инфратузилманинг сифати (бу фақатгина дастлабки шартдир), товарлар ва хизматларнинг бож тўловисиз импорт қилиниши, солиқлардан озод қилиш ва бошқа имтиёзлар эмас, балки ички бозорга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти ҳисобланади. Улар учун, ҳудудда ўз фаолияти натижасида олинган маблағлар ҳажми ва улардан фойдаланиш имконияти ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда муаммо фойдани, шу жумладан айланмадаги мавжуд акциялар бўйича дивидендларни ҳам хорижга ўтказиш заруриятидан иборат. Кўпгина фирмалар ушбу масалани ҳал этмасдан туриб, эркин иқтисодий ҳудудларга жиддий капитал қўйилмалар киритишдан ўзларини тийиб турадилар.

¹ Mahmudov N.M., Eshov M.P va boshqalar. Jahon iqtisodiyotiga integratsiya. O'quv qo'llanma. T.: TDIU, 2011, 200 b.

Эркин иқтисодий ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни хорижий фирмаларнинг аста-секин миллий иқтисодиётга интеграциялашув усули сифатида қараш мумкин. Шу сабабли ЭИХни режалаштириш босқичидаёқ чет эл фирмаларининг маҳаллий тадбиркорлар билан бевосита ва тескари алоқаларини ўрнатиш имкониятларини кўзда тутиш зарур. Бундай алоқалар маҳаллий хомашё товарларини, компонентларни, яримфабрикатларни, мажмуавий асбоб-ускуналарни ва хизматларни олиш имкониятини таъминлаши зарур. Маҳаллий ресурсларга эга бўлиш имконияти хорижий инвесторлар учун муҳим стимул ҳисобланади. Бироқ ҳудудда фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар учун бунга амалда эришиш анча қийин бўлиши ва катта вақтни талаб этиши мумкин. Мазкур омилга катта эътибор берган ҳолда, ҳудуд лойиҳачилари қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олишга уринадилар:

Биринчидан, хорижий инвесторлар томонидан харид қилиниши мумкин бўлган кўпгина маҳаллий ресурслар мамлакатда камёб ҳисобланади. Хорижий инвесторларнинг бозорга кириб келиши натижасида талабнинг ўсиши эса вазиятни янада кескинлаштириши мумкин. Агар гап яқин истиқбол тўғрисида кетаётган бўлса, хорижий инвесторлар ўз шахсий манфаатларига бўйсуниб, ресурслар эвазига юқорироқ нархлар тўлаб ушбу танқисликни бартараф этишлари мумкин. Лекин бу инфляция жараёнлари ривожланишини тезлаштириши ва мамлакатда фаолият кўрсатаётган бошқа фирмалар учун ресурслар танқислиги муаммосини кескинлаштириши мумкин. Узоқ муддатли режада ҳудудда фаолият юритаётган фирмалар томонидан қўшимча талаб маҳаллий товар етказиб берувчиларни ушбу янги талабни қондириш учун ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтиришга мажбур этади. Лекин бундай жараён бир неча йил давом этади.

Иккинчидан, маҳаллий ресурсларнинг сифати ва технологик даражаси хорижий фирмалар томонидан ушбу ресурсларга билдирилаётган стандартларга мос келмаслиги мумкин. Ушбу муаммога хорижий инвесторлар маҳаллий ресурслардан фойдаланган барча ҳолларда дуч келадилар.

Вақт ўтиши билан маҳаллий товар етказиб берувчилар аста-секин ўз ишлаб чиқаришининг технологик даражасини кўтариб борадилар. Бирок ушбу технологик такомиллаштириш автоматик равишда рўй бермайди. Агар технология даражалари ўртасидаги тафовут каттга бўлса, хорижий инвесторлар маҳаллий товар етказиб берувчилар билан алоқаларни ўзишга ва ҳудуддаги фаолиятини ўзининг анъанавий етказиб берувчиларига таянган ҳолда давом эттиришга қарор қилиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, эркин ҳудудлардаги хорижий фирмалар ва ундан ташқарида фаолият юритаётган маҳаллий корхоналар ўртасида иқтисодий ва технологик алоқаларни ўрнатиш усуллари, стимуллари ва ташкилий шакллари тизими зарур.

Учинчидан, эркин ҳудудларда фаолият юритаётган хорижий фирмалар ва маҳаллий корхоналар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш учун керакли харажатлар миқдори ва даражасини ҳисобга олиш зарурияти.

Маҳаллий фирмалар ўйламасдан хорижий фирмаларни, харидорнинг техник стандартларига мос келувчи ва етарли миқдорда мавжуд бўлган товарлар ва хизматлар билан таъминлайди деган фикрга бориш нотўғридир. Бундай вазият камдан-кам учрайди. Бу эса ҳудуддан ташқарида фаолият юритувчи маҳаллий корхоналарни ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга ва технологик даражасини кўтаришга, шунингдек ушбу корхоналар ва ҳудудда фаолият юритаётган хорижий фирмалар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларини таъминлашга жиддий сармоялар киритиш зарурлигини англади. Бундай инвестициялар бутун иқтисодиётга фойда келтиради (агар шундай йўл билан ривожланган фирмалар товарлар ва хизматларни маҳаллий бозорга ҳам етказиб берса). Ушбу муаммони ҳал қилиш, балки аввал кўзда тутилмаган молиявий харажатларни талаб этади, бу эса эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини кўпайтиради. Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг мавжудлиги – хомашё ресурслари ва молиялаштиришнинг етишмаслиги, маҳаллий корхоналарнинг паст техник даражаси, маҳаллий товарлар ва хизматларнинг паст сифати

эркин иқтисодий ҳудудда фаолият юритаётган хорижий фирмалар ва ундан ташқаридаги маҳаллий корхоналар ўртасида алоқаларни ўрнатиш масаласини ҳал этишнинг мураккаблигини белгилайди. Бундан келиб чиқадики, дастлабки босқичларда маҳаллий бозорларга кириш имконияти потенциал хорижий инвесторлар учун кучли сабаб бўла олмайди. Шунга қарамай, узоқ муддатли истиқболда маҳаллий ресурсларга эга бўлиш имконияти улар учун муҳим омил бўлиши мумкин.

ЭИХларда хорижий фирмаларни маҳаллий ресурслар билан таъминлашни ривожлантириш узоқ муддатли тадбирлар тоифасига киради ва потенциал инвесторларнинг ҳеч бўлмаганда камчилиги бундай ресурсларни ишлаб чиқишда иштирок этишга ҳозирлигига шубҳа қилмаслик керак.

Ҳудудларнинг лойиҳачилари кўпинча эркин иқтисодий ҳудудларнинг хорижий иштирокчилари учун асосий устунликлардан бири бўлиб, ЭИХ ташкил қилувчи мамлакат ҳукумати томонидан берилган молиявий ёки бошқа стимуллар даражаси ҳисобланади деб ўйлайдилар. Ҳақиқатан ҳам биринчи ЭИХларни ташкил этишда шундай бўлган эди. Бироқ ўтган ўн йилликлар мобайнида жаҳонда эркин иқтисодий ҳудудларнинг сони шунчалик кўпайиб кетдики, хорижий инвесторлар учун нисбий устунликлар (солиқ имтиёзлари, субсидиялар, импортни божхона тўловларидан озод қилиш, қисман божсиз экспорт қилиш ва бошқалар) кўп ҳолларда, балки бутунлай ўзининг рағбатлантирувчи хусусиятларини йўқотди¹.

ЭИХлар мавжуд бўлган ёки уларни ташкил қилиш истагида бўлган барча мамлакатлар деярли бир хил имтиёзлар берар экан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун ушбу имтиёзлардан асосий рағбат сифатида фойдаланмоқчи бўлган мамлакат бошқа мамлакатларга нисбатан кўпроқ имтиёзлар бериши керак. Бу молиявий жиҳатдан мамлакат учун шунчалик қийин бўладики, ушбу ҳудудларни ташкил қилишнинг умумий иқтисодий ва молиявий мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўяди.

¹ Рыбаков С.А. Особые экономические зоны в России. Налоговые льготы и преимущества. – М.: Вершина, 2006 – 248 с.

Худудларда тақдим этиладиган имтиёзларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Умумий имтиёзлар (одатда барча мамлакатлар томонидан тақдим этилади):

- товарлар ва хизматларнинг божхона тўловисиз импорт қилиниши;
- 15 йиллик давргача солиқлар тўлашдан озод қилиш;
- билвосита субсидия сифатида фирма тасарруфига ободонлаштирилган худудни бериш.

2. Махсус имтиёзлар (аниқ мамлакат томонидан тақдим этилади):

- фойда солиғидан фоизли чегирма (50 % гача);
- фирмаларга мамлакат ташқарисидаги харажатларини қоплаш учун махсус субсидиялар;
- хорижий фирмаларга маҳаллий ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар хариди учун чегирма.

Умумий имтиёзлар гуруҳидаги кўпгина имтиёзлар амалда шунчаки ҳисобланади ва миқдорий жиҳатдан нолга тенг. Масалан, солиқ тўлаш бўйича 10-йиллик имтиёзли даврнинг берилиши давлат бюджети учун молияий йўқотиш ҳисобланмайди, чунки бундай имтиёз бўлмаганда, инвесторни балки худудни қизиқтириб қолмасди. Тажриба кўрсатишича, махсус имтиёзлар хорижий фирмаларнинг худудларда иштирок этиш тўғрисидаги қарор қабулқилиш жараёнида фақат иккинчи даражали ролни ўйнайди. Жуда яхши ҳолатларда бундай имтиёзлар жуда кам, кўпинча амалга оширилмайдиган қўшимча фойда келтиради. Шу билан бирга, махсус имтиёзларни жорий қилиш учун харажатлар салмоқли бўлиши мумкин, чунки улардан кўп сонли потенциал фирмалар фойдаланиши мумкин.

Жаҳон эркин иқтисодий худудлар бозоридаги рақобатда иштирок этмоқчи бўлган мамлакат жаҳон талаблари даражасида ёки ундан ҳам юқори даражада стимуллар ва имтиёзлар тақдим этиши зарур. Жаҳоннинг эркин

иқтисодий ҳудудлар бозорида бундай ёндашув ҳудудлардаги мавжуд иқтисодий устунликларга нисбатан ҳам қўлланилади¹.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳеч бир ҳудудда тегишли инфратузилмасиз, яъни ободонлаштирилган ҳудуд, телкоммуникация тармоғи, сув, электроэнергия, аэропортга чиқиш, маҳаллий ва хорижий ходимлар учун уй-жой шароитларисиз муваффақиятли фаолият кўрсата олмайди. Инвесторлар томонидан 15-20 йил олдин нисбий устунлик деб баҳоланган шароитлар (яқин жойлашган халқаро аэропорт, яхши телефон алоқаси) ҳозирги пайтда бошланғич шартлар ҳисобланади, улар кондирилмаган ҳолларда хорижий фирма ҳудудда иштирок этиш масаласини ҳатто кўриб чиқмайди ҳам. Моддий ва иқтисодий имтиёзларни аста-секин ўртача кўрсаткичларга келтириш шуни тасдиқлайдики, тақдим этилаётган икки гуруҳ имтиёзлари ҳудудларга хорижий инвесторларни жалб қилиш учун узок вақт жиддий сабаб бўла олмайди. Улар инвестор томонидан сармоялар киритиш ёки келгусида сармоялар киритиш тўғрисидаги ижобий қарор қабул қилиш учун фақат дастлабки шарт бўла олади. Капитални ҳудудга киритиш тўғрисидаги охириги қарор инвесторнинг тактик ва стратегик фикр-мулоҳазаларига боғлиқ бўлади.

Агар аввал бошиданоқ ҳудудлар, уларда ҳам хорижий, ҳам маҳаллий корхоналарни жойлаштиришга йўналтирилишига таянадиган бўлсак, ҳудудларга миллий фирмаларни ва инвесторларни жалб қилиш шартларини ҳам ишлаб чиқиш зарур. Биринчи қараганда, миллий инвесторларни жалб қилиш унчалик қийин эмасдай кўринади, чунки улар ҳудудда тақдим этилган ривожланган инфратузилмадан ва имтиёзлардан фойдаланишдан манфаатдор. Бироқ амалиёт кўрсатишича, бутунлай бошқача ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Миллий инвесторлар кўпинча кутишни, ёки дастлабки вақтларда қизиқиш билдириб, сўнгра ҳудудда иштирок этишдан воз кечиши мумкин. Буни шундай тушунтириш мумкинки, улар учун ҳудудда маҳаллий фирма-

¹ Рыбаков С.А. Особые экономические зоны в России. Налоговые льготы и преимущества – М.: Вершина, 2006 – 248 с.

ларга нотаниш бўлган иш шaroитларида фаолият юритиш қийинчиликлари ҳудуднинг реал афзалликларидан устун келиши мумкин. Улар учун ўзлари фойдаланиб турган ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш усулларидан янги ишлаб чиқариш, технологик ва ташкилий шароитларда ишлаш усулларига ўтиш жуда қийин кечиши мумкин. Шундай қилиб, эркин иқтисодий ҳудудлар лойиҳасини ишлаб чиқишда, мазкур эркин иқтисодий ҳудудда муваффақиятли иш фаолияти юритиши мумкин бўлган маҳаллий корхоналарни жалб қилиш масаласига етарлича эътибор бериш зарур¹.

Жаҳонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши бўйича тўпланган улкан тажрибага қарамай, амалиёт тасдиқлашича, ҳозирги вақтга қадар бундай ўзига хос миллий-ҳалқаро хўжалик тузилмаларининг универсал иқтисодий механизми ишлаб чиқилмаган. Бу энг аввало, ЭИХларни ташкил қилиш турли мақсадларга эгаллиги туфайли уларда турли иқтисодий шароитлар ва чекловлар мавжудлигига асосланади. Айни вақтда жаҳоннинг турли минтақаларида ўнлаб ва юзлаб ЭИХлар шакллантирилади. Объектив равишда улар орасида ҳудудлараро рақобат юзага келади ва қулай инвестицион муҳитни ташкил қилиш ва ушбу ҳудудларга хорижий ва миллий инвесторларни жалб қилиш мақсадида стимуллар ва солиқ имтиёзларни унификация қилиш тенденциясини намоён этади.

¹ Назарова Г.Г., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2011.

3.2. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари

Эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ) фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий механизми хусусиятлари унинг турига боғлиқ. Масалан, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ЭИХларда катта капитал кўйилмалар ва ташкил этилиши учун узоқ вақт талаб этилмайди, шу сабабли хўжалик юритишнинг ва миллий иқтисодиёт билан ўзаро муносабатларнинг мураккаб механизмини шакллантириш зарурияти йўқ. Технопарклар ва технополисларнинг иқтисодий механизмида асосий ўринни, уларнинг фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва ишланмалар кўринишидаги маҳсулотини ташқи бозорга чиқишини ва инновацион жараёнларни, молиявий маблағларни бошқаришнинг хорижий тажрибасини жалб қилишни таъминловчи усуллар эгаллайди. Банк ва суғурта иши устунлик қилувчи ЭИХлар энг аввало солиқ имтиёзлари ва валюта анклавларини тақдим этади.

Ҳозирги вақтда жаҳон зоналаштириш амалиётида ЭИХлар фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий механизмларини шакллантиришда катта тажриба тўпланган. Масалан, Россияда ЭИХлар фаолиятини бошқаришнинг самарали иқтисодий механизмини яратиш узоқ ва мураккаб жараён бўлиб, унинг давомида кўпгина Россия ЭИХлари умумий муаммолар ва хатоларга йўл қўйди. РФда ЭИХлар фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий механизмини шакллантиришнинг асосий муаммоларига қуйидагилар киради:

- айрим унсурлар мазмунининг қонунчилик (солиқ, валюта сиёсати) томонидан қатъий чекланганлиги;
- турли ЭИХларда солиқ ва инвестиция сиёсати йўналишларини ишлаб чиқишда унификацияланган ёндашув;
- ҳудудларни асосан хорижий инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилганлик;
- ҳудудларда божхона имтиёзларини ўрнатиш учун божхона қонунчилиги имкониятларидан етарлича фойдаланмаслик;

- ЭИХларда молиявий ўзаро муносабатлар тизимининг заиф ривожланганлиги;

- федерал бюджетдан катта миқдорда молиялаштириш зарурлиги;

- ЭИХларни ташкил қилиш тамойиллари;

- ЭИХ мақоми ва уларнинг турлари;

- аниқ турдаги ЭИХларни ташкил қилиш ва фаолият юритишининг асосий стандарт (мамлакатнинг барча ҳудудлари учун унификация қилинган) мақсадлари ва вазифалари;

- ЭИХнинг бутун ҳудудига, ҳудудининг резидентларига ва аҳолисига нисбатан федерал, ўлка, муниципал ва жойлардаги бошқа хўжалик бошқарув ҳокимиятлари ва органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек марказий ҳукумат ва бошқарув органлари томонидан маҳаллий ҳокимият ва ЭИХ маъмуриятига топширилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

- намунавий (универсал) иқтисодий ва бошқа мажбуриятлар рўйхати, улар ҳудудларнинг иқтисодий фаолият юритиш жараёнида уларни юқори турувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари олдидаги вазифаларини таъминлашга мўлжалланган;

- федерал ва ҳудудий солиқлар ставкалари;

- преференцияларнинг кўринишлари;

- ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш шарт-шароитлари;

- валюта тартиби;

- виза режими ва ҳ.к¹.

ЭИХлар ҳаётийлик циклининг барча босқичларида унинг фаолияти принципиал жиҳатдан янги молия-кредит ва солиқ сиёсати, зона бўлинмаларининг, шу жумладан жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий фаолиятини маҳаллий ва марказий ҳукумат томонидан ташкил этиш ва назорат қилишнинг янги шарт-шароитлари билан боғлиқ. Мураккаб

¹И.А.Радионова, Т.М.Бунакова “Экономическая география” 2014.

худудий-маъмурий тузилмалар сифатида ҳудудларнинг фаолият юритишининг

ўзига хос хусусиятлари давлат томонидан тартибга солишнинг принципиал янги шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруриятини туғдиради.

Бир томондан, ЭИХ умуммиллий иқтисодиёт унсурларидан фарқланувчи қуйидаги алоҳида махсус белгиларга эга: ишлаб чиқариш инфра-тузилмасининг ўз тавсифи ва ёндашувлари, технологияларни ишлаб чиқариш ва қўллаш усулларидаги ўзига хослик, молиявий ва ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятининг ўзгача ташкил этилиши. Бошқа томондан, ЭИХ миллий хўжалик механизмининг ажралмас бўғини бўлиб қолади ва унга хос барча белгиларни сақлаб қолади.

ЭИХнинг очиқликка, жаҳон хўжалик алоқаларини кенгайтиришга, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилишга йўналтирилганлиги ЭИХни давлат томонидан тартибга солишнинг мавжуд шакллари ва усуллари миллий даражада қўлланиладиган усулларга нисбатан ўзгартиришни талаб қилади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг шакллар ва усуллари ривожлантириш ва такомиллаштириш – ЭИХни бошқариш иқтисодий механизмини яратиш доирасидаги ишларнинг энг муҳим ва кўламли йўналишларидир, чунки бу ЭИХ иқтисодиётини ривожлантириш самарадорлиги, пировард натижада эса – ҳар бир конкрет ҳудуднинг истиқболини аниқлайди.

ЭИХ ни давлат томонидан тартибга солиш механизмини шакллантириш ва такомиллаштиришда ЭИХ ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг (ЭИХнинг хўжалик юритувчи субъектларининг) хўжалик, шу жумладан инвестиция фаолияти тамойиллари ва олиб борилиши тўғрисидаги масала муҳим ҳисобланади. Улар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ЭИХ тўғрисида қабул қилинган махсус Низом, шунингдек маҳаллий ва зона ички бошқарув даражаларида қабул қилинган тартибга солиш қоидаларига асосланиши зарур.

ЭИХни давлат томонидан тартибга солиш муаммоларини умуммиллий, маҳаллий ва ҳудуд ички даражаларида кўриб чиқилади. Исталган ЭИХ миллий иқтисодиёт таркибида мустақил автоном хўжалик ҳисоби бирлиги сифатида ривожланади. Шу сабабли унинг иқтисодий мустақиллиги ва самарали фаолият юритишининг энг муҳим ва принципиал шарти – давлатнинг унинг ишларига бевосита аралашувига йўл қўймасликдир. Демак, ЭИХни давлат томонидан тартибга солиш марказий хўжалик бошқарув органлари томонидан фақат иқтисодий усуллар – бевосита ва билвосита усуллар тизими орқали амалга оширилиши зарур. Улар зона иқтисодий маконининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши керак.

ЭИХда унинг хўжалигига хорижий ва миллий инвесторлар инвестицияларининг кириб келиши учун қулай иқлим ташкил этилган бўлиши талаб этилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида молия-кредит, инвестицион ва солиқ, экспорт-импорт ва мулкый тавсифга эга имтиёзлар тизими ўрнатилади.

ЭИХларни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва усулларини такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари ажратилади:

1. Солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш;
2. ЭИХни божхона тартибга солишни такомиллаштириш.
3. ЭИХда молиявий ўзаро муносабатлар механизмни такомиллаштириш;
4. Ҳудуднинг мақсадли йўналишига қараб инвестицион сиёсат устуворликларини ишлаб чиқиш;
5. ЭИХ фаолиятини ахборот таъминоти тизимини шакллантириш ва ривожлантириш.

Кўпчилик эркин иқтисодий ҳудудларда (эркин божхона ва эркин омборлардан ташқари) солиқ сиёсати ЭИХ ҳудудида иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий, фаол қўлланилувчи усули ҳисобланади.

Саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, зонанинг

солиқ сиёсати, унинг бутун иқтисодий фаолияти сингари ўз бюджетига асосланади. У ҳудудда жойлашган жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ тушумлари; ҳомийлар ёрдами (айниқса ҳудудни ташкил қилишнинг дастлабки босқичида); давлат томонидан қўллаб-қувватлаш маблағлари; маълум даражада божхона йиғимлари, ҳудуд бюджетига ЭИХ дирекцияси (маъмурияти)нинг ўз хўжалик-тадбиркорлик фаолиятидан олинган маблағлардан тушумлар каби турли манбалар ҳисобидан шакллантирилади. Бюджетни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш маблағлари, одатда текинга эмас, балки кўпинча узоқ муддатли кредитлар шартларида берилади.

Ҳудудда жойлашган корхоналарнинг давлат бюджети билан барча молиявий муносабатлари ҳудуд маъмурияти ва ҳудуд бюджети орқали амалга оширилади. Бу ҳудуднинг иқтисодий мустақиллигининг муҳим омили ва хўжалик фаолиятини самарали бошқарувининг муҳим шарти ҳисобланади. ЭИХда солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда қатор шартларни ҳисобга олиш зарур:

1. Ўрнатилган имтиёзлар тизими ЭИХ фаолият соҳасининг устуворлиги ҳам унинг асосий мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлигига боғлиқ бўлиши керак;

2. Имтиёзлар миқдори имконий минимал халқ хўжалик йўқотишлари (масалан, бюджетга тўловларнинг келиб тушмаслиги, кредит фоизларини пасайтирилиши) ва тегишли шаклдаги хорижий инвестицияларни жалб қилишдан максимал самара орасидаги диапазондаги ҳисоб-китоблар асосида аниқланиши керак;

3. ЭИХда ўрнатиладиган имтиёзли солиқлар ва улардан озод қилиш тартиблари маълум давр мобайнида амал қилиш ва одатда қайта кўриб чиқилмаслиги керак;

Солиқлар молиявий ва бюджет муносабатларининг бир қисmini ташкил қилади, шу сабабли ЭИХда давлат солиқ сиёсатини шакллантиришда барча турдаги ҳудудларнинг давлат билан муносабатларини акс эттирувчи ҳудудлаштиришнинг умумий тамойилларидан келиб чиқиш керак. Лекин

бунда ЭИХда солиққа тортиш тартиби ва давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар ставкалари даражаси ҳар бир аниқ ҳолатда ҳудуднинг ихтисослашуви ва хусусиятлари (унинг ҳудудида ишлаб чиқариш қувватларининг, инфратузилманинг ва моддий-техник таъминотнинг бошқа омилларининг мавжудлиги)ни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши мумкин.

Давлат ва маҳаллий бюджетларга тўловлар ва солиқлар ставкалари ҳар бир ҳудуд учун якка тартибда, ҳудуднинг ихтисослашуви, ишлаб чиқариш ва бошқа имкониятларидан, инфратузилманинг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Ҳар бир аниқ ЭИХнинг ўзига хос хусусиятларга эгалигига қарамай, жаҳон амалиётида солиқ тизимини шакллантиришнинг маълум бир халқаро стандартлари мавжуд бўлиб, улардан Ўзбекистоннинг ЭИХларининг жаҳон ҳудудлар бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун фойдаланиш шарт ҳисобланади.

Ўзбекистонда солиққа тортишни такомиллаштириш икки йўналишда давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари соҳасида олиб борилиши керак. ЭИХда тадбиркорлик фаолиятини бевосита солиққа тортишни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши солиқ кредитлари амалиётидан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Солиқ кредитлари амалиётини жорий этишдан олинган маблағлар ЭИХнинг ишлаб чиқариш, кўшимча ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилиши керак¹.

ЭИХни солиқли тартибга солиш нафақат ҳудудлаштиришни давлат томонидан тартибга солиш усули ва инвестицияларни жалб қилиш механизми сифатида, балки миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш воситаси сифатида ҳам қараш зарур. Айрим мамлакатларда, масалан Россияда ЭИХни бошқариш органлари божхона тартибга солиш ва божхона назорати усулларида фойдаланган ҳолда миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишда мустақил чоралар кўрадилар. Бироқ миллий товар ишлаб

¹ Холикулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.

чиқарувчиларни ҳимоялаш маълум чегарада, рақобат муҳитини сақлаган ва нафақат божхона, балки барча мавжуд усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак. Бундай механизм аниқ вақт чегаралари ва комплекс тавсифга эга бўлиши керак. Ушбу йўналишда мумкин бўлган чоралар сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- маълум бир ҳаётий муҳим тармоқлардаги корхоналарни давлат дотациялари билан қўллаб-қувватлаш;

- ЭИХ резидентларига, уларнинг маҳаллий саноатни ривожлантириш жараёнидаги иштирокига қараб табақалаштирилган имтиёزلарни тақдим этиш;

- бозорда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг хулқ-атвор тактикасини ўзгартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини кидириб топишни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, бозор талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш мақсадида адолатли рақобатга йўл қўйиш;

- маҳаллий корхоналар ривожланишини мақсадли молиялаштириш;

- ЭИХда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда солиқ режимини оптималлаштириш.

ЭИХ субъектларини иқтисодий фаолиятини билвосита давлат томонидан тартибга солишнинг самарали усули бўлиб преференциялар хизмат қилади. Ўзбекистонда преференциялар, ЭИХ ҳудудида махсус преференциал режимлардан фойдаланиш соҳасини чеклаш мақсадида давлат томонидан тартибга солишнинг айрим бевосита тарифли усуллари билан биргаликда қўлланилиши керак. Бундай усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат ва маҳаллий бюджетларга солиқ ва бошқа (танланма) тўловлар нормативлари;

- ЭИХнинг ташқи ва ички чегараларида бож тарифлари ставкалари.

Преференцияларнинг самарали кўринишларидан бири – ҳудуд хўжалик юритиш субъектлари даромадининг чегаравий миқдори. У ЭИХ маъмурияти

томонидан аниқ хўжалик субъектининг шароитлари ва хусусиятларини махсус эксперт таҳлили асосиф аниқланиши керак. Солиққа тортиладиган ўрнатилган даромадлар чегаравий миқдоридан олинган маблағлар ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

Даромадларнинг солиққа тортиладиган ҳажмини аниқлаш учун асослар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ва ҳудуд хўжалигининг ижтимоий инфратузилмаси бўлинмаларини ривожлантириш учун ҳомийлик бадаллари;

- ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга харажатлар;

- янги илғор техника ва технологияни ўзлаштиришга, ЭИХ, мамлакат ва унинг субъектлари эҳтиёжлари учун бошқа устуворликларга харажатлар.

ЭИХларда преференцияларнинг бошқа кўриниши – бу фойданинг бир қисмини ёки товарларни чет элга эркин олиб чиқиш (лицензиялар ва квоталар мавжуд бўлганда).

Божхона қатъий марказлашган тузилмага эга давлат ташкилоти ва бевосита жойларда давлат ташқи иқтисодий сиёсатини олиб боровчи сифатида ЭИХ иқтисодиётига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Шунга боғлиқ равишда ЭИХда божхонали тартибга солишни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш зарур:

- божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнини оптималлаштириш;

- илғор ахборот технологияларини жорий этиш;

- божхона инфратузилмаси тизимини ривожлантириш;

- ҳудудда божхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ролини ошириш.

Божхонали тартибга солиш мамлакатнинг, ва хусусан ЭИХ минтақасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Бироқ маҳаллий ҳокимият органларининг миллий товар ишлаб чиқарувчиларни фақат божхона расмийлаштируви ва назорат механизми орқали ҳимоялашга уринишлари барча даражаларда-божхона ва ЭИХни бошқариш органи ўртасида, божхона ва ТИФ иштирокичлари ўртасида муносабатларни кескинлаштириб юборади. Ўзбекистонда ЭИХ ларда товарларни божсиз олиб киришни қўлламасдан, алоҳида товарлар гуруҳига пасайтирилган бож ставкаларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда ушбу имтиёзни тақдим этиш мезонини аниқлаш зарур. Масалан, ЭИХдаги ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш учун олиб кириш зарур бўлган товарлардан ташқари барча товарлар ЭИХ ҳудудига умумий асосларда (яъни божлар тўлаш шарти билан) олиб кирилиши мумкин. Зарурий товарларга пасайтирилган бож ставкалари ёки божсиз режим ўрнатилади. Миллий ЭИХларда молиявий муносабатлар механизми ҳозирги вақтда шаклланиш босқичида турибди. Уни шакллантириш учун ЭИХ фаолиятини молиялаштиришнинг турли манбаларидан комплекс фойдаланиш назарда тутилади. Бунда хусусий миллий ва хорижий инвестициялардан, маҳаллий ресурслардан, ЭИХ минтақаларининг ва у ерда истиқомат қилувчи аҳолининг ўз маблағларидан максимал фойдаланиш ҳисобига давлат маблағларидан фойдаланишни ҳар томонлама чеклашга интилиш зарур.

Ушбу манбалар ўртасидаги нисбат ҳудуднинг ҳаётийлик цикли босқичларини ҳисобга олган ҳолда ундаги иқтисодий муносабатларни ривожланиб боришига мос равишда ўзгартирилиши зарур. Дастлабки босқичларда давлатнинг кўмаги анча катта бўлиши, кейинги босқичларда эса у маҳаллий молиялаштириш манбалари ҳисобига камайтириб борилиши мумкин.

Шунингдек хусусий инвесторларга давлат кафолатларини назарда тутиш зарур. Ҳудудлаштиришни давлат томонидан тартибга солиш доирасида ЭИХларда молиявий механизмни шакллантириш ва ривожлантириш нафақат капитални жалб қилишни, балки ЭИХ ичида самаради молиявий

ўзаро муносабатларни ташкил қилишни ҳам назарда тутати. ЭИХ бюджети ҳар бир аниқ ҳудуднинг иқтисодий режими хусусиятларини акс эттирадики, улар бюджетнинг даромад қисмини шакллантирувчи манбалар таркибида ҳам, шунингдек унинг харажатлар қисмининг таркибида ҳам намоён бўлади.

ЭИХ бюджетининг харажатлар қисми, одатда унинг даромад қисмига нисбатан камроқ белгилаб қўйилган, шу сабабли уни такомиллаштиришда кўпроқ имкониятлар мавжуд. Барча маъмурий-ҳудудий тузилмалар учун умумий бўлган, маҳаллий даражадаги масалаларни ҳал қилиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига юклатилган алоҳида давлат ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар моддаларидан ташқари ЭИХнинг хавфсизлик режимини таъминлаш; миллий ва хорижий инвесторларга молиявий кафолатлар тақдим этиш билан боғлиқ харажатлар; бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш учун йўналтириладиган маблағлар каби махсус моддаларнинг мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш зару¹.

ЭИХларда молиявий муносабатларни такомиллаштиришда муҳим йўналишлардан бири бюджетдан ташқари ЭИХда иқтисодий муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ихтисослаштирилган фондларни шакллантириш ҳисобланади. Бундай фондларни ташкил қилиш бўйича чоратадбирлар қуйидаги иккита йўналишда олиб борилиши мумкин:

- ЭИХда турли йўналишларга эга фондлар комплекси;
- ягона фонд доирасида турли хўжалик юритиш соҳалари бўйича шўба корхона-фондларни ривожлантириш.

У ёки бу шаклни танлаш ЭИХ кўлами ва унинг турига боғлиқ. Масалан, технопарклар ва технополисларда илмий-техник ва тажриба-конструкторлик ишларни рағбатлантириш фондларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

¹ Special Economic Zones: Global Experience and Best Practices. 2014

УЧИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Энг умумий кўринишда ЭИХни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатишининг иқтисодий ва молиявий механизми қуйидаги тамойилларга асосланади.

Биринчи босқичда ЭИХни ташкил қилиш бўйича харажатларни кўпинча қабул қилувчи томон, яъни ЭИХ ташкил қилаётган мамлакат ёки шу мамлакатнинг минтақаси ўз зиммасига олади. ЭИХ ташкил қилиш турли манбалардан – давлат, минтақавий ёки муниципал бюджетлардан молиялаштирилади, шунингдек хорижий ёки миллий инвесторларнинг маблағларидан фойдаланиш мумкин.

Автоном хўжалик тузилмаси сифатидаги ЭИХнинг ўз иқтисодий фаолияти ўзининг бюджетига асосланади. Уни шакллантиришнинг турли манбаларига қуйидагилар киради:

- ҳудудда жойлашган жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ тушумлари;
- ҳомийлар ёрдами (айниқса ҳудудни ташкил қилишнинг дастлабки босқичида);
- давлат томонидан қўллаб-қувватлаш маблағлари;
- маълум даражада божхона йиғимлари.

ЭИХни ташкил қилиш ва айтиқса унинг фаолият кўрсатиш жараёнини давлат томонидан марказлашган тартибга солиниши чекланган меъёрий тавсифга эга бўлиши керак.

Давлат ва маҳаллий бюджетларга тўловлар ва солиқлар ставкалари ҳар бир ҳудуд учун якка тартибда, ҳудуднинг ихтисослашуви, ишлаб чиқариш ва бошқа имкониятларидан, инфратузилманинг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Ҳудудда жойлашган корхоналарнинг давлат бюджети билан барча молиявий муносабатлари ҳудуд маъмурияти ва ҳудуд бюджети орқали амалга оширилади. Бу ҳудуднинг иқтисодий мустақиллигининг муҳим

омили ва хўжалик фаолиятини самарали бошқарувининг муҳим шарти ҳисобланади.

ЭИХ нинг очиқликка, жаҳон хўжалик алоқаларини кенгайтиришга, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилишга йўналтирилганлиги ЭИХни давлат томонидан тартибга солишнинг мавжуд шакллари ва усуллари миллий даражада қўлланиладиган усулларга нисбатан ўзгартиришни талаб қилади.

ЭИХларни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва усуллари такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари ажратилади:

1. Солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш;
2. ЭИХни божхона тартибга солишни такомиллаштириш;
3. ЭИХда молиявий ўзаро муносабатлар механизмни такомиллаштириш;
4. Худуднинг мақсадли йўналишига қараб инвестицион сиёсат устуворликларини ишлаб чиқиш;
5. ЭИХ фаолиятини ахборот таъминоти тизимини шакллантириш ва ривожлантириш.

Кўпчилик эркин иқтисодий худудларда (эркин божхона ва эркин омборлардан ташқари) солиқ сиёсати ЭИХ худудида иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий, фаол қўлланилувчи усули ҳисобланади.

Ўзбекистонда солиққа тортишни такомиллаштириш икки йўналишда давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари соҳасида олиб борилиши керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

- турли фикрларни умумлаштириб ЭИХни қуйидагича таърифлаш мумкин: ЭИХлар мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортилишдан озод этилади, яъни бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан кенг фойдаланилади деган таърифни бериш мумкин.

Кўпчилик адабиётларда ЭИХлар халқаро майдонда хўжалик ихтисослиги бўйича эркин савдо ҳудудлари, саноат ва ишлаб чиқариш ҳудудлари, техник ва технологияни жорий этиш ҳудудлари, хизмат кўрсатиш ҳудудлари, комплекс ҳудудларга бўлинади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этилиши минтақалар иқтисодий ривожланишига самарали таъсир кўрсатувчи муҳим омил саналади. Мазкур жараён ҳудудий-хўжалик бошқарувининг энг самарали моделларини жорий этиш орқали инвестициялар ва илғор тажрибаларга кенг очиб беради.

Эркин иқтисодий ҳудудларни минтақаларнинг иқтисодий ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи имтиёз ва рағбатлантиришларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ташқи савдо имтиёзлари;
- солиқ имтиёзлари;
- молиявий имтиёзлар;
- маъмурий имтиёзлар.

Исталган ташкил этилаётган эркин иқтисодий ҳудуд ишлаб чиқилган комплекс ривожланиш режасига, яъни барча хўжалик объектларини ривожлантириш, иқтисодий алоқаларда тенг ҳуқуқли иштирок этувчи ҳар хил мулкчилик шаклларига асосланган янги ишлаб чиқариш муносабатларини

вужудга келтириш режасига эга бўлиши зарур. Дастурнинг асосий мақсади давлат, тижорат ва хорижий капиталдан, аҳоли маблағларидан комплекс фойдаланиш, ишбилармонлик, молиявий ва ҳуқуқий тузилмаларни фаоллаштириш асосида ҳудудни динамик иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришдан иборат.

ЭИХлар мавжуд бўлган ёки уларни ташкил қилиш истагида бўлган барча минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун бошқа минтақаларга нисбатан кўпроқ имтиёзлар бериши керак. Бу молиявий жиҳатдан мамлакат учун шунчалик қийин бўладик, ушбу ҳудудларни ташкил қилишнинг умумий иқтисодий ва молиявий мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўяди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига, шу жумладан ЭИХга хорижий инвесторларни кириб келиши учун қулай инвестицион муҳит яратилган, мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳажми, манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йилнинг 2 декабрида «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги, 2012 йил 13 апрелда «Ангрен маҳсус индустриал зонасини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонлари қабул қилинди. Ушбу ЭИХларда хорижий инвесторларнинг кириб келиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бу эса ўз навбатида хорижий инвесторлар ёрдамида йирик ишлаб чиқариш корхоналарни қуриш имкониятини бермоқда.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, исталган эркин иқтисодий ҳудудни ташкил қилишдаги мураккаб муаммо ҳудуднинг хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ самарали иқтисодий механизмини шакллантириш ҳисобланади.

Энг умумий кўринишда ЭИХни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатишининг иқтисодий ва молиявий механизми қуйидаги тамойилларга асосланади:

- дастлабки босқичда ЭИХни ташкил қилиш харажатларини кўпинча қабул қилувчи томон, яъни ЭИХ ташкил қилаётган мамлакат ёки шу мамлакатнинг минтақаси ўз зиммасига олади;

- ЭИХ ташкил қилиш турли манбалардан – давлат, минтақавий ёки муниципал бюджетлардан молиялаштирилади, шунингдек хорижий ёки миллий инвесторларнинг маблағларидан фойдаланиш мумкин;

- автоном хўжалик тузилмаси сифатидаги ЭИХнинг ўз иқтисодий фаолияти ўзининг бюджетига асосланади. У ҳудудда жойлашган жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ тушумлари; ҳомийлар ёрдами; давлат томонидан қўллаб-қувватлаш маблағлари; маълум даражада божхона йиғимлари ҳисобидан шакллантирилади;

- ЭИХни ташкил қилиш ва айниқса унинг фаолият кўрсатиш жараёнини давлат томонидан марказлашган тартибга солиниши чекланган меъёрий тавсифга эга бўлиши керак;

- давлат ва маҳаллий бюджетларга тўловлар ва солиқлар ставкалари ҳар бир ҳудуд учун яқка тартибда, ҳудуднинг ихтисослашуви, ишлаб чиқариш ва бошқа имкониятларидан, инфратузилманинг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади;

- ҳудудда жойлашган корхоналарнинг давлат бюджети билан барча молиявий муносабатлари ҳудуд маъмурияти ва ҳудуд бюджети орқали амалга оширилади.

ЭИХнинг очиқликка, жаҳон хўжалик алоқаларини кенгайтиришга, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилишга йўналтирилганлиги ЭИХни давлат томонидан тартибга солишнинг мавжуд шакллари ва усуллари миллий даражада қўлланиладиган усулларга нисбатан ўзгартиришни талаб қилади.

ЭИХда тадбиркорлик фаолиятини бевосита солиққа тортишни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши солиқ кредитлари амалиётидан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Солиқ кредитлари амалиётини жорий этишдан

олинган маблағлар ЭИХнинг ишлаб чиқариш, қўшимча ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

ЭИХни солиқли тартибга солиш нафақат ҳудудлаштиришни давлат томонидан тартибга солиш усули ва инвестицияларни жалб қилиш механизми сифатида, балки миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш воситаси сифатида ҳам қараш зарур.

Эркин иқтисодий ҳудудларни минтақалар иқтисодиёти ривожлантиришдаги ўрнини ошириш учун аввало, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш борасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини жадаллаштириш орқали минтақаларда жойлашган корхонларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш ҳисобидан инвестицион жозибадорлигини ошириш;

- ЭИХ резидентларига, уларнинг маҳаллий саноатни ривожлантириш жараёнидаги иштирокига қараб табақалаштирилган имтиёзларни тақдим этиш;

- ЭИХда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда солиқ режимини оптималлаштириш;

- Саноат ишлаб чиқаришда имкон қадар хорижий капиталли қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали, уларда янги ва юқори технологияларни жорий этиш натижасида, маънавий ва моддий томондан эскирган ускуна ва жиҳозларни асосий фондлардан секин-аста чиқариб бориш;

- ЭИХ бюджетининг харажатлар қисми, одатда унинг даромад қисмига нисбатан камроқ белгилаб қўйилган, шу сабабли уни такомиллаштиришда кўпроқ имкониятлар мавжуд. Барча маъмурий-ҳудудий тузилмалар учун умумий бўлган, маҳаллий даражадаги масалаларни ҳал қилиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига юклатилган алоҳида давлат ваколатла-

рини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар моддаларидан ташқари ЭИХнинг хавфсизлик режимини таъминлаш;

- ЭИХларда молиявий муносабатларни такомиллаштиришда муҳим йўналишлардан бири бюджетдан ташқари ЭИХда иқтисодий муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ихтисослаштирилган фондларни шакллантириш;

- ЭИХда турли йўналишларга эга фондлар комплекси, ягона фонд доирасида турли хўжалик юритиш соҳалари бўйича шўъба корхона-фондларни ривожлантириш.

- У ёки бу шаклни танлаш ЭИХ кўлами ва унинг турига боғлиқ. Масалан, технопарklar ва технополисларда илмий-техник ва тажриба-конструкторлик ишларни рағбатлантириш фондларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 12 декабр

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида»ги Фармони. 13.04.2012
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида”ги Қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 2013 йил 2 май

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: 2011.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда ўтказилган мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузаси.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

IV. Асосий адабиётлар

14. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

- номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.
15. Авдокушин Е.Ф., С.А.Рыбаков. Привлечение иностранных инвестиций в условиях приватизации. –М.: ГУВШЕ.,2000
16. Н.А.Орлова, Адрианов В.Д. Региональная экономика России. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2006
17. Назарова Г.Г., Холиқулов А.Р Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.
18. Расулев А.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. –Т.:Konsauditinform-Nashr. 2006.

V. Қўшимча адабиётлар

19. Рыбаков С.А. Особые экономические зоны в России. Налоговые льготы и преимущества. – М.: Вершина, 2006 – 248 с
20. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси: Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ. –Т.:Konsauditinform-Nashr. 2006.
21. Монтес М.Ф., Попов В.В. «Азиатский вирус» или «голландская болезнь». Теория и история валютных кризисов в России и других странах. Перевод с англ. 2-е изд. М.: «Дело», 2001.
22. Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: ЖИДУ. 2002.
23. Назарова Г.Г., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2011

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

24. И.А.Радионова, Т.М.Бунакова “Экономическая география” 2014.
25. Данко Т.П., Окрут З.М. “Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве”, учебное пособие, М. ИНФРА-М. 2000-168 с.

26. Региональная экономика: Учебное пособие. Под ред. М.В.Степанова. –М.: ИНФРА-М, Изд-во Рос.эконом.акад.,2001 – 15 – 16 – б.
- 27.Муминов Н.Г. Свободные экономические зоны. Т. 2005.
- 28.К.Х.Абдурахманов, А.М.Абдуллаев, Ш.Х.Дадабаев. Региональная экономика и управление. Т.: 2007, С.739.
- 29.Mahmudov N.M., Eshov M.P va boshqalar. Jahon iqtisodiyotiga integratsiya. O'quv qo'llanma. T.: TDIU, 2011, 200 b.
30. Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. «ЭКО» журналы, 1997, №3-сони, 42-бет.
- 31.Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон.
- 32.Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.
- 33.Special Economic Zones: Global Experience and Best Practices. 2014
34. World Development Indicators 2011. Structure of Output. – International
- 35.Bank for Reconstruction and Development/World Bank. – Washington D.C., April 2012.
- 36.Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари 2015

VII. Интернет сайтлар

- 37.www.gov.uz
- 38.www.press-service.uz
- 39.www.mfer.uz
40. www.UzA.Uz
- 41.www.review.uz
42. www.cer.uz
- 43.www.mfa.uz
- 44.www.nfier.uz
45. www.navoi.uz